

XIV АСР БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ ВА ГАДОЙ ПОЭТИКАСИ

Ҳафиза АСЛАНОВА



Published by
Novateur Publication
466,SadashivPeth,M.S.India-411030



Уибу монографияда XV аср биринчи ярмидаги ўзбек шеърияти ижодкорларининг ижодий мероси ва уларнинг ўзига хос поэтик маҳорати таҳлил этилган. Замон ва маконда услугуб ва индивидуаллик масаласига Гадоий ижоди мисолида, унинг бадиий маҳорати ётириб берилган.

Монография институт ва университет талабалари, филолог мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тузувчи:

Ҳафиза АСЛАНОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Масъул

муҳаррир:

Муслиҳиддин МУХИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Машҳура Ҳасанова,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),

Ирода Пардаева,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент.

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигига туркӣ ҳалқларнинг мумтоз адабиёти, унинг гоявий-бадиий олами, бадиий-эстетик тараққиётдаги ўрни ҳамда бадиий тафаккур тарихидаги аҳамияти масалалари атрофлича ўрганилмоқда. Ҳозирги кунга қадар мумтоз адабиёт намояндлари ижоди жаҳон адабиётшунослигига илмий тадқиқотлар учун доимий манба вазифасини бажариб келмоқда. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида Шарқ ҳалқлари адабий меросини янгича қарашлар, ёндашувлар асосида ўрганиш бадиий-эстетик тафаккур тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб бермоқда. Шу нуқтаи назардан, дунё адабиёти тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган, унга муносиб ҳисса қўшган мумтоз адиблар ижодини тадқиқ этиш, бу борада илмий ишлар кўламини янада ошириш соҳа ривожланишининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигидан маълумки, муайян ижодкорнинг миллий мафкура, маданият, миллатнинг ўзлиги ва жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси, аввало, у яратган бадиий асарлари туфайли юзага чиқади. Мустақиллик йилларида аждодларимиз томонидан яратилган бадиий, илмий, фалсафий, тарихий дурдона асарларни ҳар томонлама чуқур тадқиқ ва тарғиб этиш миллий ўзликни англаш ва қадриятлар тикланиши даражасида баҳоланди. Бинобарин, «...маърифат фидойиларининг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди».¹ Ўрта аср ижодкорларидан мавлоно Лутфий, Саккокий, Атойи, Гадоий ҳам туркий-ўзбек адабиёти, тили ва бадиий-эстетик тафаккури тараққиётига бенихоя катта ҳисса қўшган ижодкорлардан ҳисобланади. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва унинг кейинги тараққиётини ушбу ижодкорларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳазрат Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида мавлоно Лутфий, Саккокий, Атойи, Гадоийлар ижодини ўзбек шеъриятининг тамал тошларидан эканлигини алоҳида қайд этади².

XV аср ўзбек адабиёти вакиллари ижоди ва ижодий

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.178.

² Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 9-том. – Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б.366.

меросининг ҳажми ҳақида маълумотлар Алишер Навий тазкираларида келтирилиб, биз учун катта илмий меросни ташкин этувчи илк манбадир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, кейинги йилларда XV аср бадиияти ва ижодкорлари мероси ўз даври адабиётида тутган ўрни, ўзига хос бадиий маҳорати ҳақида адабиётшунослик манбаларида, соҳага оид тадқиқотларда, ўзбек адабиёти тарихига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларда маълумотлар учрайди. Уларнинг мумтоз лирик анъаналар жараёнидаги ўрни, ўзига хос бетакрор услуби, образ ва тимсол ижод этиш маҳорати, туркий адабий жанрлар тараққиётига қўшган ҳиссалари янгича поэтик қарашлар асосида баҳоли қудрат илмий тадқиқ этилди.

ГАДОИЙ ИЖОДИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ЎРГАНИЛИШИ

XV асрнинг I ярми шеърияти туркий халқлар адабиёти тарихида алоҳида саҳифани ташкил этиши сир эмас. Шунга қадар асосан форс-тожик шеъриятидан андоза олиб унга эргашиш йўлидан борган туркийзабон ижод ахли айни шу даврга келиб ўз услуби, индивидуал ижодий маҳоратини намоён эта бошлади. Бир томондан, Ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда «форсий... шуаро муқобаласида» бўла оладиган даражадаги қалам ахлининг этишиб чиқиши, иккинчи томондан эса шеъриятнинг ранг-баранг жанрларида юксак санъат намуналарини яратиб «соҳибдевон» шоир мақомига эга бўлган ижодкорларнинг майдонга келиши бу давр ўзбек шеъриятининг муҳим ютуқлари эди.

Жаҳон адабиёти йўлининг шоҳбекати бўлмиш Ҳазрат Навоийнинг туркий шеърияти учун замин ҳозирлаган бадиий истеъдод соҳибларидан бири Мавлоно Гадоийдир. XV аср туркий шеъриятнинг ўзига хос услуг ва овоз эгаси бўлган Мавлоно Гадоий «ўз даврининг истеъдодли вакили ва халқ ижодининг ихлосмандларидан»³ бўлиб, адабиётимиз тарихининг янги саҳифасини яратишда бевосита иштирок этди. Туркий шеъриятга бир қатор янги шакл ва жанрлар, бадиий топилма ва поэтик воситаларнинг кириб келиши Гадоий шеърияти билан боғлиқдир.

Мавлоно Гадоий девони – «Девони Гадо»нинг ягона қўлёзма нусхаси Париждаги «Biblique Nationale» («Миллий кутубхона»)нинг «Departament des. Manuscrits Suppl turc» («Турк қўлёзмалари бўлими»)да 981-рақамли инвентарь остида сақланиб келинмоқда. Унинг фотонусхаси эса 1968 йилда профессор Ҳ.Сулаймон томонидан келтирилиб, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондига топширилган. Мавлоно Гадоийнинг бошқа девонлари ёхуд мазкур девоннинг бошқа нусхалари ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

Мавлоно Гадоий шахсияти ва адабий меросини ўрганиш шоир ҳаётлиги давридаёқ бошланган эди десак хато бўлмайди. Бундай хайрли ишни XV аср шеъриятининг энг йирик мутадқиқи Ҳазрат Алишер Навоий бошлаган эдилар. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси, «Муҳокамат ул-лугатайн» рисоласида Мавлоно Гадоий шахсияти ва адабий меросига оид муҳтасар,

³ Рустамов. Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. ИВЛ, - М: 1963. - Стр.145.

бироқ жуда мұхим қайдлар келтирилған. «Мажолис уннафоис»нинг «ҳоло замон саҳоиғида маоний акобири аларнинг дақиқ табълари хуллабоғлиғидин назм либоси киядур»⁴ дея тавсифланған учинчи мажлисида Мавлоно Гадоий ҳакида қуидаги маълумот берилади: «Туркигүйдур, балки машоҳирдиндур. Бобур Мирзо (Абулқосим Бобур – Ҳ.А.) замонида шеъри шухрат тутди, бир навъи айтур ва унинг машҳур матлаъларидин бири будурким:

*Оҳқим, девона қўнглум мубтало бўлди яна,
Бу қўнгулнинг илкидин жонга бало бўлди яна.*

Мавлононинг ёши тўқсондин ўтубдур. Бу матлаъ анигдурким:

*Дилрабо, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш,
Ким, аниг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш».⁵*

Алишер Навоийнинг берган маълумотлари тазкира жанри талабларига мос ҳолда муҳтасар бўлсада, Мавлоно Гадоий шахсиятига ва адабий меросига оид бир қатор мұхим жиҳатларга ойдинлик киритади. Жумладан, унинг таржимаи ҳоли («ёши тўқсондин ўтубдур», «Бобур Мирзо замонида шеъри шухрат тутди»), ижодий услуби («туркигүйдур», «бир навъи айтур»), мавқеи («машоҳирдиндур») ҳақидаги қайдлар мұхим аҳамият касб етади. Алишер Навоий томонидан келтирилған иккала байт ҳам ишқий мазмунда бўлиб, бу ҳам Навоийнинг Гадоий шеърияти услугига оид тасаввурини ойдинлаштиради. Зоро, «илмда муайян тарихий шахс ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилганда у яшаган ва кейинги даврга оид тарихий асарлар, мемуарлар, замондошлари хотираларига, энг аввало манба сифатида суюнилади»⁶ «Алишер Навоий бу ўринда ўзининг Гадоийга бўлган самимий ҳурматининг ифодаси сифатида шоирнинг номига мавлоно сўзини қўшиб ёзади».⁷

⁴ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 13-том. – Т.: Фан, 1997. – Б.70.

⁵ Шу китоб, - Б.105.

⁶ Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқини манбалари (XV-XX аср боши). Тошкент: Тамаддун, 2018. – Б.15.

⁷ Аҳмадхўжаев Э. Гадоий. – Т.: Фан, 1978.- Б.8.

«Мұхқамат ул-лугатайн» асарида эса Гадой XV асрнинг I ярмида туркий шеъриятнинг күзга қўринган намояндадаридан бири сифатида тилга олинади.

Мавлоно Гадой адабий меросини матншунослик ва адабиётшунослик мазонлари асосида илмий тадқиқ этиш ишлари асосан XX асрнинг илк чорагида бошланди. Айни шу даврда турк олими Мұхаммад Фуод Кўпрулу «Тўққизинчи ва ўнинчи (ҳижрий – А.Х.) асрларда Чигатой шоирлари» номли мақоласи билан Гадой ижодий меросини ўрганишликтининг янги даврини бошлаб берди.⁸ Шундан кейин, Э.Блоше⁹, А.Бомбачи¹⁰, Я.Экман¹¹, ўзбек олимларидан С.Ғаниева¹², Э.Р.Рустамов¹³, Э.Аҳмадхўжаев¹⁴, М.Рустамов¹⁵ кабилар ўзларининг мақола, монография ва диссертацион тадқиқотларида Мавлоно Гадой шахсияти, адабий мероси, XV аср адабий муҳити ва жараёнидаги мавқеи, лирик меросининг гоявий-бадиий хусусиятларига доир фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Таниқли адабиётшунос олим Э.Рустамов «XV асрнинг I ярми ўзбек шеърияти» монографиясида давр адабий муҳити контекстидә Гадой адабий меросига ҳам мурожаат этган. Мазкур монографияда шоир шахсияти («Гадой тахаллusi шоирнинг нақшбандия тариқатига алоқадор эканлигини кўрсатади»), ижодий услубига оид муҳим қайдлар («Ҳофиз ижоди Гадой учун ҳам илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган», «Гадой шеърияти таҳлили... шоир... ҳалқ ижодининг ихлосмандларидан бўлганлигини

⁸ M. Fuat Koprulu, Dokuzuncu ve onuncu asirlardaki Gagatay sairleri, “Turk Yurdi”, seri I, 1330/1914; Gagatay adebiyati,- Islam ansiklopedesi. 3-cilt, 24-сўйб Istanbul, Maorif matbaasi, 1945, 270-323-s.

⁹ E.Blochet, Catalogue des manuscrits turcs, Tome II. Paris, 1932.

¹⁰ Alessio Bombaci, Storia della literature turca, Milano, 1956, 127-s.

¹¹ J.Eckmann, Gag'atay dili örnekleri II. Gedai divanindan parçalar, Istanbul universitesi Edebiyat Fakultesi, “Turk dili va edebbiyati, derg’isi”, Istanbul Edebiyat Fakultesi matbaasi, cilt X, I Eylül 1960, 65-110-s.; The Divan of Gada’i. Edited by Janos Eckmann. (Indiana University Publications, Uralic and Altaic Series, vol. 113), pp. v. 538, Bloomington, Indiana University; The Hague, Mouton, 1971.

¹² Ғаниева С. Шоир Гадой. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1 сентябрь 1962, №70 (686); Гадой. Шеърлар. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1965 (Нашрға тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С.Ғаниева); «Яна Гадойнинг қасидаси ва «Мажолис ун-нафоис»нинг ёзилиш тарихи тўғрисида». «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1972. 5-сон. 53-56-бетлар.

¹³ Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. - М.: ИВЛ, 1963; Некоторые вопросы сравнительного изучения узбекской литературы XV века с другими восточными литературами (туркская и персидско-таджикская). Докт. дисс., - М.: Ташкент, 1966; «Гадойнинг қасидаси ва «Мажолисун-нафоис»нинг ёзилиш тарихи». «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1967. 2-сон. 36-41-бетлар.

¹⁴ Аҳмадхўжаев Э. Гадой (Ҳаёти ва ижодий мероси). Номзодлик диссертацияси, - Тошкент: 1972; Гадой (Ҳаёти ва ижодий мероси). – Тошкент: Фан, 1978; Гадой. Девон. Нашрға тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Аҳмадхўжаев. – Тошкент: 1973.

¹⁵ Рустамов М. Лексика языка дивана Гадаи. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ташкент, 1992; Гадой девонининг лугати ва матни. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи таҳrir бўлими, 2007.

кўрсатади»),¹⁶ келтирилгани ҳолда «Гадоий поэтик меросини тадқиқ этиш адабиётшунослар учун ҳам тилшунослар учун ҳам муҳим аҳамият касб» этиши алоҳида таъкидланади.

Бу борада, айниқса, устоз олим Э.Аҳмадхўжаевнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим. Олимнинг бир неча йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотлари натижаси ўлароқ 1972 йилда номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди, 1978 йилда «Гадоий» монографияси нашр эттирилди. Олимнинг илмий мақолалари¹⁷ ҳамда мазкур монографиясида Гадоий ижодини ўрганишликнинг шу даврга қадар эришган натижалари анча батафсил ёритилганлиги учун биз алоҳида тўхталишни лозим топмадик.¹⁸

Юқорида зикр этилган тадқиқотлар кўп жиҳатдан бир-бирига ҳамоҳанг бўлгани ҳолда, улардаги маълумотлар ўртасида тафовутлар ҳам мавжуд. Жумладан, Янош Экман томонидан АҚШдаги Индиана университетида 1971 йилда чоп эттирилган Гадоий девонининг нашрида қасидалар 2 та деб кўрсатилган («The Divan of Gadai comprises 229 gazals, 2 qasidas (№ 204, 229), 1 mustazad (№199) and 5 tuyugs», яъни «Гадоий девони 229 та ғазал, 2 қасида (№ 204, 229), 1 та мустазод (№199) ва 5 та туюқдан иборат). Бироқ Э.Аҳмадхўжаев ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари, шунингдек, Гадоий девони нашрларида шоирнинг битта қасидаси қайд этилади.

Я.Экман назарда тутган иккинчи қасида девондаги 229-шеър бўлиб, қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Меҳру маҳ ижтимоъидин түғди ажойиб ахтаре,
Даври қамарда филасал бўлди қирони акбаре.*

Мазкур шеър етти байтдан иборат. У мазмунан қайсиdir шахзодага бағишлиганлиги сезилади. Қуйидаги байтда, айниқса, бу мазмун яққол акс этган:

Хор согинма, муддаъий, они кичик дебонким уш,

¹⁶ Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. - М.: ИВЛ, 1963. - Стр.145.

¹⁷ Аҳмадхўжаев Э. Гадоий ижодининг ўрганилиши // Адабий мерос. 2-сон. – Т.: Фан, 1971. 183-189-бетлар; Аҳмадхўжаев Э. Гадоий девонининг нодир нусхаси ҳакида // Шу китоб, 190-203-бетлар.

¹⁸ Аҳмадхўжаев Э. Гадоий. – Т.: Фан, 1978. – Б. 9-17.

Шоҳ отаси бикин бўлур дам-бадаме газанфаре.

Шеърда қасидага хос унсурлар мавжуд эканлигини қайд этган ҳолда, айтиш жоизки, мадхия мазмунининг ўзи шеърни қасида жанрига мансуб деб билиш учун етарли асос бўла олмайди. Зеро, мумтоз адабиётимизда реал шахсларга бағишлиланган мадҳ ғазаллар ҳам кўплаб учрайди. Шу билан бирга, шеърнинг вазни ҳам ғазалларга хосдир. Маълумки, мумтоз қасидалар (шу жумладан, Ҳазрат Навоийнинг туркий ва форсий қасидалари) асосан учта баҳрда – ҳазаж, рамал ва мужтасс баҳрларида ёзилган. Юқоридаги ғазал эса арузнинг ражази мусаммани матвийи маҳбун (муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун) вазнида яратилган. Бу ҳам унинг қасидага нисбатан ғазал жанрига яқин эканлигини асослайди. Балки Гадоий тажриба тариқасида янги вазнда қасида ёзишни бошлаган, бироқ, ижод лабораториясида фикрини ўзгартириб ғазалга айлантирган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда ушбу ғазал қасиданинг насиб ва гуризгоҳ қисмларига жуда ўхшаш.

Э.Аҳмадхўжаев тадқиқотининг муҳим ютуқларидан бири шундаки, олим ягона қўлёзма асосида бўлса-да, Гадоий шеъриятининг матнини тиклаш, такомиллаштириш масаласида жиддий ютуқларга эришган. Девоннинг Париж Миллий кутубхонасида сақланадиган ягона қўлёзма нусхасида охирги сахифалар, бинобарин, қўлёзма колонти тули ҳам мавжуд эмас. Шу туфайли девон қачон ва ким томонидан тартиб берилганлиги, нусха ким томондан ва қачон кўчирилганлиги номаълум. Бироқ, қўлёzmани шахсан кўриб ўрганган олим Ҳ.Сулаймоновнинг тахминича, у XVI аср охири ва XVII аср бошларида Бухорода кўчирилган.¹⁹ Девон қўлёzmасини жиддий тадқиқ этиб, 1971 йилда девоннинг фотокопияси ва халқаро транскрипциядаги матнини изоҳ ва луғатлар билан бирга нашр эттирган олим Я.Экман қўлёzmада котиб томонидан йўл қўйилган хатоларни имкон қадар бартараф этишга ҳаракат қилган эди. Зеро, қўлёzma коллиграфия қоидалари асосида сифатли қўчирилгани ҳолда унда бир қатор жиддий нуқсонлар мавжудлигини аниқлаган.²⁰ Э.Аҳмадхўжаев бунга кўплаб (аникроғи 29 та) мисоллар келтиради. Жумладан:

1. Сўзларнинг имлосидаги хатолар (9 та мисол келтирилган).

¹⁹ Шу китоб, -Б.18.

²⁰ Шу китоб, -Б.23-29.

2. Сўз ёки сўзларнинг тушиб қолиши (14 та мисол келтирилган).

3. Мисраларнинг тушиб қолиши (1 та мисол келтирилган).

4. Грамматик қўшимчаларнинг ортиқча қўлланиши (1 та мисол келтирилган).

5. Ортиқча сўз ёки сўзнинг ўринсиз такрорланиши (2 та мисол келтирилган).

6. Сўзларнинг ўрин алмашиши (2 та мисол келтирилган).

Маълум бўладики, энг кўп хатолик сўзларнинг тушиб қолиши билан боғлиқ. Бу эса котибнинг муайян сўзларни ўқишга қийналганлигини кўрсатади. Кўлёзмалардаги бундай камчиликлар, одатда, форсийзабон котиблар ёки туркий тил ва ёзув хусусиятларини яхши билмайдиган котиблар фаолиятида кузатилади.

Э.Аҳмадхўжаев айрим ўринларда байтнинг мазмуни ва мантифидан келиб чиқиб, айрим ўринларда эса қофия ва вазн мезонларига таянган ҳолда камчиликларни қисман бартараф этишга эришган. Жумладан:

Мунча йил ётқон жавоҳирни жигархунлиғ била,

Кўз йўлиндин барчани зоеъ нисор этган кўнгул, байтида «жавоҳир» ва «шунча йил» сўzlари билан «ётқон» сўзи эмас «йиққон» сўзи мантиқий ассоциация ҳосил қилишини тўғри қайд этган:

Мунча йил йиққон жавоҳирни жигархунлиғ била,

Кўз йўлиндин барчани зоеъ нисор этган кўнгул.

Ёки матншунос олим:

Ажаб салосили мушкинтур ул балойи сияҳ,

Ки, кўргач қўнгул они бўлди бир йўли гумроҳ, - байтида «кўнгул» ва «они» сўzlари ўрин алмашганлигини қайд этади. Бунда қайси мезон асосида бундай хulosага келинганлиги айтилмаса-да, аruz мезонидан фойдаланганлигини сезиш қийин эмас. Зоро, бу ғазал (байт) арузнинг мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф (биринчи мисра) ва мужтасси мусаммани маҳбуни абтари

мусаббаг (иккинчи мисра) вазнида ёзилган.²¹ Унинг афоъили «мафоъилун фаъилотун мафоъилун фаъилун» ҳамда «мафоъилун фаъилотун мафоъилун фаълон». Мезон асосида унинг парадигмаси куйидагича бўлиши лозим:

Ki, кўргач кўн/гул они бўл/ди бир йўли/ гумроҳ.

V – V – / V V – – / V – V – / – ~

Бироқ мисрада учинчи ҳижо («гач») ўз ўрнида яъни қисқа ҳижо ўрнида эмас. Агар «кўнгул» ва «они» сўзлари ўрин алмашса, вазндаги хатолик йўқолади:

Ki, кўрга-ч о/ни кўнгул бўл/ди бир йўли/ гумроҳ.

V – V – / V V – – / V – V – / – ~

Бироқ олимнинг барча танқидий фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Жумладан, ушбу байтда «ҳар» сўзининг ортиқча эканлиги қайд этилади:

*Қоши ёсидин ҳар хаданги ғамзаким отти кўзунг,
Гарчи ўтти жондин, аммо қолди бағримда бошоқ.*

Дарҳақиқат, рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган ушбу байтнинг биринчи мисрасида битта ҳижо ортиқча эканлигини сезиш қийин эмас. Бироқ «ҳар» сўзининг олиб ташланиши таъкидни йўқотиб, байтнинг бадииятига путур етказади. Бизнингча, мисрадаги «ёсидин» сўзида эгалик қўшимчаси ортиқча:

*Қоши ёдин ҳар хаданги ғамзаким отти кўзунг,
Гарчи ўтти жондин, аммо қолди бағримда бошоқ.*

Умуман, Гадой девони қўлёзмасида эгалик ва шахс қўшимчалари билан боғлиқ хатоликлар анчагина. Жумладан, ушбу байтда:

*Қоши ёсиндин ғамзайи хунрез ўқи бўлғоч жудо,
Хаста кўнглум ўқуди филҳол: «Изо жоал-қазо».*²²

²¹ Мисраларнинг охирги руқнларида учрайдиган кичик вазний тафовутлар арузшуносликда ритмик вариациялар дейилади. Қаранг: Тоҳиров С. Аруз вазни қоидалари. –Сам.: СамДУ нашри, 2019 йил. – Б.72-85.

²² Ҳаёт васфи. – Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.470; Рустамов М. Гадой девонининг лугати ва матни. – Т.: Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, 2007. – Б.108.

Мазкур байтда ҳам илк мисрада эгалик қўшимчаси ортиқча қўлланганлиги учун вазнда сакталик юз берган:

Қоши ёдин ғамзайи хунрез ўқи бўлғоч жудо, бўлиб, бу ҳам юқоридаги фикрни, яъни котибнинг туркий тил хусусиятларини яхши билмаганлигини кўрсатади.

Қайд этиш жоизки, Гадоий адабий мероси мамлакатимизда илк маротаба 1965 йилда С.Фаниева томонидан «Шоир Гадоий» номи билан нашр эттирилган эди. Мазкур китобда шоирнинг 47 ғазали ва 1 та мустазоди ўрин олган. Э.Аҳмадхўжаев 1973 йилда Гадоий «Девон»ини қўллёзма нусха ҳамда Я.Экман нашри асосида қайтадан нашрга тайёрлаб, 230 та ғазал, 1 та мутазод, 5 та қитъадан ташкил топган нисбатан мукаммал нашрини амалга ошириди. 1986 йилда нашр эттирилган «Навоийнинг нигоҳи тушган» тўпламидан Гадоийнинг 80 ғазали ва 1 та мустазоди ўрин олди. Шунингдек, 1988 йилда нашр эттирилган «Ҳаёт васфи» тўпламига ҳам Гадоий лирикаси киритилди. Унда шоирнинг 223 та ғазали, 1 та қасида, 1 та мустазод ва 5 та тўртлик шаклидаги шеъри ўрин олди.

Санаб ўтилган нашрлар кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи, ислоҳ қилувчи хусусиятга эга. Бироқ уларда баъзан девонни тўлиқ қамраб олмаслик, баъзида эса лирик асарларнинг матни билан боғлиқ нуқсонлар кузатилади. Хусусан, «Биринчи марта нашр этилганда унга девон таркибидаги ҳамд ва қасида киритилмаган эди. Иккинчи марта чоп этилганда нашрга қасида киритилиб уч ғазал тўлалигича тушириб қолдирилган».²³

Гадоий ижодини ўрганишлик тарихида энг кўп мурожаат этилган, мунозараларга сабаб бўлган масалалардан бири шоир қасидаси ва унинг мамдухи масаласидир. Ушбу қасида шоир таржимаи ҳоли, хусусан, туғилган даврини аниқлашда ҳам муҳим материал бўлганлиги боис, бир қатор олим ва тадқиқотчилар унга мурожаат этишди. Э.Рустамов 1967 йилда эълон қилган «Мажолис ун-нафоис»нинг ёзилиш тарихи» мақоласида Гадоий қасидаси Мироншоҳнинг ўғли Халил Султонга бағишланганлигини тахмин қилган эди.²⁴ Бу тахминни Э.Аҳмадхўжаев ҳам дастлаб маъқуллаган. Гадоий ижодини ўрганишлик соҳасига катта хисса

²³ Гадоий девонининг луғати ва матни (Луғатни тузиб, матнни нашрга тайёрловчи М.Рустамов). – Т.: Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи таҳрир бўлими, 2007. – Б.99.

²⁴ Рустамов Э. “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи” // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967 йил. 2-сон. – Б.39.

қўшган олима С.Ғаниева бир қатор мақола ва маъruzаларида мазкур қасида «Мироншоҳнинг ўғли Халил Султонга эмас, балки Шоҳрухнинг набираси (кизининг ўғли), 1423 йилда Ҳиротда туғилган ва шу ерда улғайган Халил Султонга, яъни Темурнинг катта ўғли Жаҳонгирнинг биринчи ўғли Муҳаммад Султоннинг тўнғич ўғли Халил Султонга, яъни Халил Султон ибни Муҳаммад Султон ибни Жаҳонгир ибни Темур Кўрагонга бағишлиланган дейди».²⁵ Унинг фикрича, «Гадоий ўз қасидасини Абулқосим Бобур Мирзо ҳали ҳаёт эканида, унинг салтанати ва тахти тақдири ҳақида бош қотириб юрган пайтларда ёзган».²⁶ С.Ғаниеванинг «Матлаъ ус-саъдайн» асаридаги маълумотлар билан қувватланганлигини инобатга олиб, Э.Аҳмадхўжаев ҳам кейинчалик шу фикрга қўшилган.²⁷

Мазкур муаммога анча йиллар давомида қайта мурожаат этилмади. 2018 йилда ёш олима М.Ҳасанова Гадоий қасидасининг мамдуҳи масаласига қайта мурожаат этиб, адресатнинг янги вариантини тақдим этди.²⁸ Тадқиқотчининг фикрига кўра «Гадоий ўзининг ҳомийси Абулқосим Бобур Мирзо ҳали ҳаёт эканида унинг тахтига бошқа бир кишини муносиб кўриши мантиққа зиддир». Унинг фикрича, қасида «Абусайднинг ўғли Султон Халилга бағишлиланган бўлиши мумкин». Бунга қасидада мамдуҳ айнан Султон Халил (Халил Султон эмас) тарзда номланганлиги ҳамда «Матлаъ ус-саъдайн»да унга нисбатан «анчагина илиқ фикрлар» келтирилганлиги асос қилиб кўрсатилади.

Қайд этиш керакки, юқоридаги мулоҳаза асосли бўлиш билан бирга, С.Ғаниеванинг фикрларини мутлақо рад эта олмайди. Зоро, қасида Шоҳруҳ мирзонинг вафоти арафасида ёзилган бўлиши ҳам мумкин. «Матлаъ ус-саъдайн»да қайд этилишича, Шоҳруҳ мирзо вафот этганда фарзандларидан фақат Мирзо Улуғбек ҳаёт бўлган. Унинг олдида эса Абулқосим Бобур, Абдуллатиф Мирзо ва Халил Султон ибни Муҳаммад Жаҳонгир (Шоҳруҳ мирzonинг набираси) бўлганлар. Шундай вазиятда шоир айнан Халил Султонни тахт

²⁵ Мазкур темурийзоданинг шажараси тарихий манбаларда икки хил тарзда берилади. Хусусан, “Зубдат уттавориҳи Бўйсунпэурий”да Ҳалил Султон ибни амирзодайи аъзам Муҳаммад Султон, “Матлаъ ус-саъдайн”да эса Ҳалил Султон ибни Муҳаммад Жаҳонгир ибни Муҳаммад Султон тарзда берилган.

²⁶ Ғаниева С. Яна Гадоийнинг қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972 йил. 5-сон. – Б.55.

²⁷ Аҳмадхўжаев Э. Гадоий (Ҳаёти ва ижодий мероси). – Тошкент: Ўзбекистон «Фан» нашриёти, 1978. – Б.37.

²⁸ Ҳасанова М. Гадоий қасидаси ва унинг мамдуҳи тўғрисида // “Сўз санъати”. 2018 йил, 3-сон.- Б. 64-68.

вориси сифатида кўришни истаган бўлиши мумкин. Бироқ, шунга қарамай, тадқиқотчи М.Ҳасанованинг фикрлари ҳақиқатга яқинроқ туюлади.

Айтиш жоизки, Гадоййнинг бир қатор ғазалларида ҳам шаҳзодага мурожаат ёки таърифу тавсифлар мавжуд. Юқорида улардан бири ҳақида фикр юритган эдик. Шундай ғазаллардан яна бири «эрур» радифли ғазал бўлиб қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Аллоҳ-Аллоҳ, бу парий ё ҳур ё инсон эрур,
Бу не шаклу күзү қошу ғамзаи фаттон эрур.*²⁹

Ўзига хос портрет санъатининг гўзал намунаси сифатида яратилган ғазалнинг мақтадан олдинги байтида шахс исми ўчирилган ёки тушириб қолдирилган:

*Жумлаи шаҳзодалар соҳибқирондурлар вале
Барчасининг обрўйи ... эрур.*

Я.Экман тушириб қолдирилган исм «Шаҳ Халил Султон» бўлиши керак деб тахмин қилган. Э.Аҳмадхўжаев ҳам шу фикрни маъқуллайди. Тушириб қолдирилган қисм вазн нуқтаи назаридан «фоъилотун фоъ» афоилига тўғри келиши керак, бинобарин бу исм вазн жиҳатдан мос келади. Айтмоқчимизки, шеърий нутқда исмнинг «Халил Султон» ёки «Султон Халил» тарзда қўлланиши вазн ва қофия талаби асосида бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бизнингча, юқорида тилга олинган икки газал ҳамда қасида айнан бир шахсга бағишланган. Қасидада мамдуҳнинг ҳарбий жасорати алоҳида мадҳ этилади: «Масоғу разм ичинда ҳам музafferар ўлғуси». Шунга ўхшаш фикр Гадоий ғазалида ҳам мавжуд:

*Хор согинма, муддаъий, они кичик дебонким уш,
Шоҳ отаси бикин бўлур дам-бадаме газанфаре.*

Шу байтдаги «шоҳ отаси каби дам-бадам газанфар бўлади» жумласи М.Хасанованинг фикри, яъни бу шеърларнинг барчаси

²⁹ Гадой девонининг лугати ва матни (Лугатни тузиб, матнни нашрга тайёрловчи М.Рустамов). –Т.: Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи таҳрир бўлими, 2007. – Б.120.

Абусаид Мирзонинг ўғли Султон Халилга бағишланғанлиги тахминининг ҳақиқатга яқинроқ эканлигига ишора этади. Унинг жуда қисқа муддат Ҳиротда бўлганлиги дастлабки шеърнинг қасидадан ғазалга айланиши, иккинчисида эса исмнинг тушиб қолишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Хуллас, Гадоий қасидасининг мамдухи масаласи ҳали узил-кесил ҳал этилганича йўқ. Унинг ечимини топиш учун қасиданинг ўзидан ташқари, даврнинг тарихий манбалари ҳамда Гадоийнинг бошқа шеърларидағи ишораларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Мавлоно Гадоий шеъриятининг турли қирралари шеършунослик, хусусан, аruz ва шеърий жанрларга оид тадқиқотларда ҳам қисман муҳокама этилган. Жумладан, шоир ғазаларининг вазни ҳамда ритмик хусусиятлари Я.Экман ва Э.Аҳмадхўжаевнинг тилга олинган тадқиқотларида қисман ёритилган³⁰ ва А.Хожиаҳмедов³¹ тадқиқотларида маълумот берилган. Э.Аҳмадхўжаев «Гадоий» монографиясида Гадоий девонидаги ғазаллари ва қитъаларидан 164 таси аruz вазнининг рамал, 46 таси ҳазаж, 13 таси музориъ, 6 таси мужтасс, 5 таси раЖаз, 1 таси хафиҳ баҳрлари ва уларнинг тармоқларида яратилғанлигини таъкидлайди.

Арузшунос олим А.Хожиаҳмедов эса муайян баҳрлар доирасидаги алоҳида тармоқларга ҳам эътибор қаратиб, қуидагича тасниф этади: «Шоир ғазалиётида, айниқса, рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур ниҳоятда кенг қўлланган. Унинг бизгача етиб келган жами 226 (?) ғазалидан 156 таси ана шу икки вазн асосида яратилган. Гадоий ҳазажи мусаммани солим (9 ғазал), ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзиф (14), ҳазажи мусаддаси маҳзуф (15), музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (12 ғазал) вазнлари ҳам шоир ғазалиётида анча кенг ўрин эгаллайди». Шунингдек, Гадоийнинг вазн борасидаги тажрибалари ҳақида ҳам қисман тўхталиб, жумладан, шундай ёзади: «Гадоий ўзбек арузида илк бор рамал баҳрининг анчагина мураккаб бўлмиш рамали мусаммани машкули мусаббағ вазнини қўллаб... оҳангдор ғазалини яратганди».

Маълумки, Гадоий девонида тўртлик шаклидаги (тўрт

³⁰ Аҳмадхўжаев Э. Гадоий (Ҳаёти ва ижодий мероси). – Тошкент: Фан нашриёти, 1978. – Б.52.

³¹ Хожиаҳмедов А.Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006. – Б.21.

мисрадан иборат) бешта лирик шеър мавжуд бўлиб, улар қитъа³², тўртлик³³ каби жанр атамалари билан тилга олинади. XV-XVI асрлар ўзбек шеъриятига хос бўлган, Мавлоно Лутфий, Бобур ижодида ҳам учрайдиган шу каби кичик жанрдаги шеърларнинг поэтик хусусиятлари тадқиқ этилган илмий манбаларда ҳам Гадоий девонидаги шеърлар тилга олинади. Уларни қофияланиш тизимиға кўра қитъа, вазнига кўра туюқ, икки тажнис қўлланган тўртликларни қитъа-туюқ каби жанр атамалари билан номлаш ва буни Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий ва Бобур асарлари мисолида асослашга уриниш тажрибалари кузатилади. Жумладан, яқинда ҳимоя этилган С.Жўраеванинг «XX аср ўзбек адабиёшунослигида мумтоз лирик жанрлар тадқиқи (рубоий, туюқ, қитъа мисолида)» мавзусидаги диссертацион тадқиқотида шу йўналишдаги илмий изланишлар умумлаштирилган.

Умуман олганда, Гадоий ижодини ўрганишликнинг узок тарихини кўздан кечирар эканмиз, бу соҳада анча ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, шоир таржимаи холини қисман бўлса-да ёритишга интилиш, девонини нашр эттириш ва матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, асарларининг жанр ва ғоявий-бадиий хусусиятларини ёритиш йўналишларида турли ҳажм ва мазмундаги ишлар бажарилган. Бироқ, уларнинг барчасида ҳам ўзига яраша муаммо ва камчиликлар, давр мезонларидан келиб чиқадиган чекланишлар мавжуд. Бинобарин, мазкур тадқиқотларни мукаммалаштириш, умумлаштириш, шоир бадиий маҳорати ва поэтик услубига доир монографик тадқиқот яратиш адабиётшунослик ва ўзбек адабиёти тарихи илмининг муҳим вазифаларидандир.

³² Аҳмадхўжаев Э. Гадоий (Ҳаёти ва ижодий мероси). – Тошкент: Ўзбекистон «Фан» нашриёти, 1978. – Б.20.

³³ Ҳаёт васфи. – Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.681.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ ТАКОМИЛ БОСҚИЧИ ВА ИЛК ТУРКИЙ ДЕВОНЛАРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек халқининг маданияти ва адабиёти тарихида Амир Темур ва темурийлар даври алоҳида саҳифани ташкил этиши сир эмас. Бу даврда илм-фан, маданият, шу жумладан, санъат ва адабиёт юксак даражада ривожланганлиги кўплаб илмий манбаларда ёритилган. Бунинг асосий омилларидан бири ҳукмдор табақанинг бу соҳага алоҳида эътибор билан қараганлигидир. Давлатшоҳ Самарқандий Амир Темур атрофидаги илмий-адабий муҳит ҳақида маълумот бериб, унинг энг яқин кишилари сифатида Бисотий Самарқандий, Исмат Бухорий, Лутфуллоҳ Нишопурӣ, Ҳайдар Хоразмий каби шоирларни ҳам тилга олади³⁴. Бу фазилат буюк Темурнинг авлодига ҳам мерос бўлиб ўтди. Амир Темурнинг ўзи, Навоийнинг хабар беришича, шеърни яхши ўқир ва англар эди. Ўғли Шоҳруҳ мирзо ўқтин-ўқтин байтлар битарди. Темурнинг набираси Султон Искандарнинг Ҳайдар Хоразмийдан ўтказиб туюқ айтганини Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида қайд этган эди.

Темурийлар даври маданиятининг муҳим жиҳатларидан бири айнан ҳукмдорлар даврасида ижод ва ижод аҳлига бўлган муносабатда намоён бўлади. Тарихда ҳеч бир сулола темурийлар каби ижодсевар ва ижодкорпарвар бўлганлиги маълум эмас. Улар орасида Сайид Аҳмад ибн Мироншоҳ («Таашшуқнома»нинг муаллифи), Ҳусайн (Ҳусайн Бойқаро), Захириддин Бобур каби том маънодаги шоирлар билан бир қаторда, ўттиздан ортиқ шеър машқ қилувчи ҳукмдорлар ҳам мавжуд. Жумладан, Халил Султон шеъриятга меҳр қўйган биринчи темурий ҳукмдорлардан бўлиб Давлатшоҳнинг маълумотига кўра, 26 ёшида девон ҳам тартиб берган. «Тарихи Рашидий»да эса Абусаид Мирзонинг ғазалларидан намуналар келтирилган. Энг муҳими, ҳукмрон давраларда, олий мажлисларда адабиёт ва ижод масалалари муҳокамаси бўлганлиги кўплаб манбаларда қайд этилади.

Е.Э.Бертельс ўзининг «Низомий» монографиясида Мирзо Улуғбек ва Бойсунқур Мирзо ўртасидаги мунозара ҳақида шундай маълумот келтиради: «Мирзо Улуғбек ва Бойсунқур Мирзо ўртасида қайси достон яхшироқ («Махзан ул-асрор» ва «Матлаъ

³⁴ Жўраев О. Маҳмуд Замахшарий. - Тошкент: Тафаккур, 2011. - Б.68.

ул-анвор» достонлари назарда тутилмоқда – А.Х.) деган масалада тортишув бўлганлиги ҳақида ривоят мавжуд. Мирзо Улуғбек Низомийни, Бойсунқур Мирзо эса Амир Хусравни маъқуллаган экан.³⁵ Алишер Навоийнинг «Сабъайи сайёр» достонидаги ушбу байт ҳам шунга ишора этади:

*Ҳолиё чун замонда султонлар,
Кўпраги келди тахмисахонлар.*³⁶

Мазкур омиллар бу даврда форс-тожик ва туркий тилдаги бадиий ижод равнақига жиддий таъсир кўрсатди.

Туркий-ўзбек адабиёти узоқ ва бой тарихга эга. Бу тарихий жараённинг турли босқичларида ҳар хил ижтимоий сабабларга кўра бадиий ижод намуналари араб, форс-тожик ва туркий тилларда яратилди. Бошка тилларда ижод этиш баробарида шу тилларда мавжуд бўлган бой ижодий тажрибалар: лирик ва эпик жанрлар, ранг-баранг шеърий вазнлар, образ, деталь ва бадиий тасвир воситалари бир неча мингийлликларга бориб тақаладиган ҳалқ оғзаки ижоди тажрибалари билан бирлашган ҳолда миллий адабиётимизнинг тобора ривож топиши, шакл ва мазмун жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилди.

XV асрнинг I ярми туркий шеърият тараққиётини монографик планда тадқиқ этган олим Э.Рустамов бу давр адабиёти вакиллари Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Хусрав Дехлавий каби форс-тожик адабиётининг йирик вакиллари билан бир қаторда «ҳалқ оғзаки ижодига юксак ихлос билан қарашган»лигини алоҳида қайд этади.³⁷

VIII асрда Халил ибн Аҳмад томонидан назарий асослари яратилган аruz IX–X асрлардан бошлаб форс-тожик, XI–XII асрлардан бошлаб эса туркий ҳалқлар адабиётига ҳам кириб кела бошлади. Бунинг натижасида, араб ва форс-тожик шеъриятига мансуб бўлган жанрлар аruz вазнлари билан бирга ўзбек шеъриятига ҳам кириб кела бошлади. Мумтоз адабиётимиз тарихида жанрий ранг-баранглик дастлаб дидактик достонлар

³⁵ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. – М.: ИВЛ, 1962. - Стр. 205.

³⁶ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Ўнинчи том. Сабъайи сайёр (Нашрга тайёрловчи М.Мирзаахмедова). – Т.: Фан, 1992. – Б.394.

³⁷ Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. – Москва: Изд. Восточной литературы, 1963. Стр-145.

таркибидаги шеърий шакллар (маснавий, тўртлик, қасида) тарзида намоён бўлса, номанавислик анъанаси таъсирида ғазал, қитъа, соқийнома, маснавий, фард сингари жанрлар тобора мустақиллик касб эта бошлади. Бизга қадар 11та ғазал, битта қасида ва битта маснавийси етиб келган Сайфи Саройи ўз эътирофига кўра девон тартиб берганлиги маълум:

*Бўлди гидойи руҳу қўнгуллар муфарриҳи,
Кўркли сифатларинг била девону дафтари.³⁸*

Алишер Навоийгача бўлган даврда Атойи девони фақат ғазаллардан иборат бўлса, Юсуф Амирий девонида ғазал, таржеъбанд, туюқ; Саккокийда ғазал ва қасида; Гадоийда ғазал, қасида, мустазод, қитъа; Лутфийда ғазал, қитъа, қасида, туюқ, фард; Ҳофиз Хоразмийда қасида, ғазал, мустазод, мухаммас, таркиббанд, таржиъбанд, қитъа, марсия, рубоий намуналарини учратишимииз мумкин. Алишер Навоийнинг туркий ва форсий девонларини бирлаштирганда эса, лириканинг ўн саккиз хил жанридаги дурдона асарлар жамланади.

Сайфи Саройининг бизга қадар етиб келган 13 та лирик асари арузнинг тўртта баҳри (рамал, ҳазаж, мутақориб, музореъ) доирасида саккиз хил вазнда (вариацияларини ҳисобга олмаганда) ёзилган, «Гулистон бит-туркий» асари таркибидаги 332 та шеърий парча эса арузнинг 7 баҳрига (ҳазаж, рамал, музореъ, мужтасс, мутақориб, хафиф) тегишли бўлган 24 вазнда битилган. Саккокий девонида арузнинг 5 хил баҳрига тегишли 11 хил вазндан ғазал ва қасидалар мавжуд. Атойи девони фақат ғазаллардан иборат бўлсада, уларда арузнинг олти баҳрига тегишли бўлган 18 хил вазн кўлланган. Ҳофиз Хоразмийнинг девонида эса тўққиз баҳрга тегишли бўлган 53 вазндан лирик асарларни учратиш мумкин. Кузатишлилар шуни кўрсатдики, Гадоий ритмик вариацияларни ҳисобга олмаганда, ҳазаж баҳрининг 4 хил, рамал баҳрининг 3 хил, ражаз баҳрининг 2 хил ҳамда музориъ, мужтасс ва хафиф баҳрларининг бир хил, жами 12 хил вазндан фойдаланган.

XV аср адабиётининг муҳим жиҳатларидан бири зуллисонайнликдир. Ўзбек адабиётида бу адабий ҳодиса «ачунда порсий дафтарлари» бўлган Хоразмий ва унинг

³⁸ Сайфи Саройи. Шеърлар. Гулистон. – Т.: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. - Б.22.

«Мұхаббатнома» сидан бошланған эди. XV асрнинг I ярмиға келиб мазкур анъана ижодий жараённинг характерли белгиларидан бирига айланди. Шу даврда ижод қылған Юсуф Амирий, Яқиний, Саккокий, Лутфий, Гадоий каби күплаб шоирлар икки тилда бирдек шеърият дурдоналарини ижод этишар эди. Афсуски, бу шоирларнинг форсий мероси бизга қадар жуда оз миқдорда сақланған. Алишер Навоий «Мұхокамат ул-лугатайн» асарида ғоят характерли ва муҳим фикрларни айтади: «Ҳар миқдорки, бу бирининг у бири била омизиш ва гуфту-гузори бор, ул бирнинг ҳам бу била ҳамонча такаллум ва гуфтори бор. Ва сорт орасида ахли табъ ва дониш ва зумраи илму зихр ва биниш күпроқтур. Аммо туркнинг улуғдин кичигига дегинча ва навкардир бегига дегинча сорт тилидан баҳраманддурлар. Андоқким, ўз хурд ахволиға құра айта олурлар, балки бальзи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто, турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва шириң гуфтор зохир қилурлар».³⁹ Кўриниб турибдики, форс-тожик тилидаги бадиий асарларни улар ўқиб, тушунибгина қолмасдан, ундан бадиий завқ ҳам олганлар ва ҳатто, бу тилда нафис ижод битишган. Қолаверса, «адабиётшуносликда туркий адабиётдаги арузда яратилған биринчи йирик асар бу Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадигу билиг» достони эканлиги эътироф этилған»⁴⁰ лиги сўзимизни далиллайди. Яна айтиш мумкинки, илк девончиликда аруз вазнида ижодий мероснинг юзага келиши ўз даври нутқаи назаридан ютуқлардан саналади. Зоро, «Қутадигу билиг» аруз тизимининг мутақориб баҳрида яратилған бўлиб, муаллиф бу асарни ёзишда форс адабиётидаги «Шоҳнома» домтони вазнидан фойдаланған. Асарнинг ўз даврида «Туркий Шоҳнома» деб аталишида шу ҳодисанинг ҳам ўрни бор»⁴¹

«Мажолис ун-нафоис»да Алишер Навоий икки тилда ижод этган шоирларни алоҳида эҳтиром билан тилга олган. Жумладан, Мавлоно Яқиний ҳақида ёзади: «Туркий ва форсий шеър айтур эрди. Туркчасидин бу матлани кўп мубоҳотлар била ўқур эрдиким:

Оҳқим жсонимга еттим ёри нодон илгидин,

³⁹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10-том. – Т.: Fafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy yiji, 2012. – Б. 509.

⁴⁰ Фитрат. Аруз ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б.23.

⁴¹ Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б.12.

Доду фарёд ул жафочи офати жон илгидин,

Аммо форсийсидин бу матлаъи ёмон воқеъ бўлмайдурким:

*Субҳеки, дам ба меҳр назад як нафас туи,
Нахлеки, бор нахӯрад аз у ҳеч кас туи».⁴²*

Юсуф Амирий ҳақида эса «туркча шеъри яхши воқеъ бўлубдур» деб ёзиш билан бирга, «Ва форсийда Шайх Камол татаббуъи қилибдур» деб, қуйидаги матлаъни келтиради:

*Рўзи қисмат ҳар касе аз айш бахши худ ситонд,
Ғайри зоҳид к-ў риёзатҳо қашиду хушк монд.⁴³*

Мазмуни: *Қисмат* куни (*насиба тақсим* этиладиган кун) зоҳиддан бошқа ҳар ким ўзига бахшида қилинган айшини олди; у эса не чоғлик машаққат чекмасин қуруқ қолди.

«Форсий ва туркийда назири» бўлмаган Мавлоно Лутфийнинг туркийдаги «мутааззирул жавоб» матлаълари билан бирга, «замон шуароси барча татаббуъ» қилиб, «ҳеч қайсиси матлаъни онча айта» олмаган ҳамда ҳазрати Махдум (Абдураҳмон Жомий)га васият қилган форсий матлаларини ҳам келтиради.

Мавлоно Атойининг форс тилида ижод этганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бироқ, Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» асарида муталаввин (икки вазнда ўқиш мумкин бўлган шеър) санъатига мисол тариқасида Атойи тахаллуси билан форс-тожик тилидаги икки байт келтирилган:

*Бар авжи гунбади гардун зи мавжсу лужжси олам,
Чу журми Зухрау тир аст айни кавсару замзам.
Фуруғи согари саҳбо зи базми довари гети,
Шуъон гавҳари ханжар зи рамзи Ҳусрави аъзам.⁴⁴*

Мавлоно Гадоийнинг ҳам форс-тожик тилидаги ягона ғазали Фахрий Ҳиротийнинг «Радойиф ул-ашъор» тазкираси орқали бизга қадар етиб келган. Албатта, шоирнинг форсий мероси шу билан

⁴² Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 13-том. – Т.: Фан, 1997. – Б.62.

⁴³ Шу китоб, - Б.38.

⁴⁴ Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил, 5-сон. – Б.95.

чекланмаган бўлгани аниқ. Бироқ, шу ғазалнинг ўзиёқ шоирнинг бу тилдаги ижодий маҳорати ҳақида муайян тасаввур уйғота олади. Бу эса Гадоийнинг зуллисонайнлик анъанасини муносиб давом эттирган шоир эканлигини кўрсатади.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунунул-балоға» асарида ўша давр назмиётида фойдаланилган адабий тур ва жанрлар ҳақида жуда муҳим маълумотлар келтирилади. Беш қисмдан иборат бўлган бу асарнинг биринчи қисмида шеъриятнинг ўн тури, наъви борлиги қайд этилади, қасида, газал, қитъа, робоий, маснавий, таржесъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фардоларга таърифлар берилади. Уларнинг лугавий ва истилоҳий маънолари тушунтирилади. Шундан сўнг, у шу шеър турларининг мазмуни ва услубига қараб яна бир неча хилларга бўлинишини изоҳлайди: у ёзади «.... ва бу ўн наъв шеърким зикр қилдук, ҳар қайсида агар Тангри азза ва жаллага (Худога олқиши, сано айтиш – А.Ҳ.) ҳамд этсалар, они тавҳид дерлар; Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳиссалоту васалламни васф қилсалар, наът дерлар; Агар тангри ҳазратинда тазарруъ қилсалар муножот (Аллоҳга нола, илтижо – А.Ҳ.) ўқурлар. Ва хулафойи рошидинни (чаҳорёр, халифалар – Абу Бакр Сиддик, Умар, Усмон, Ҳазрати Али – А.Ҳ.) маноқиб ва манқабат дерлар. Агар Салотин ё умаро ва вузарони ўғсалар мадҳ ва мидҳат ва тамаддуҳ ўқурлар ва агар ўлган кишини зикр қилсалар марсия дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазил қилсалар мутойиба дерлар».⁴⁵

XV аср шеърияти ўзининг халқчиллиги билан аҳамиятлидир. Айнан туркий шеърият турлари ва уларнинг шаклий хиллари XV асрнинг I ярми туркий-ўзбек шеърияти таркибида бўлган, Алишер Навоий ижодигача ҳам ўзбек шоирлари халқ оғзаки шеърияти ва аruz орқали пайдо бўлган ранг-баранг жанрлардан фойдаланганлар. XIV асрдан сўнгги даврларда ҳам бадоеъ, саноеъ, аруз, луғатга оид асарларда адабий турлар, шакллар ҳақида фикрлар, шарҳлар баён этилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг асарларида робоий, туюқ, халқ қўшиқлари, муаммолар, унинг замондошларидан Атауллоҳ Ҳусайнин асарларида муаммо, муқатталь, муздаваж, мураббаъ, луғз, муаммо, таърих кабилар шеър наъвлари тарзида баён этилган.

XIII асрнинг машҳур

⁴⁵ Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил. 1-сон. 75-76-бетлар.

луғатшунос ва адабиётшунос олими Қайс Розий ўзининг «Китобул мўъжам фи маъйири ашъор ил-ажам»⁴⁶ асарида аруз, қофия, саноёй илмлари билан бирга, адабий жанрларнинг хиллари ва шаклий хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар, таърифлар келтиради. Олим ўзигача ва ўз даври форсий шеърияти тажрибаларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан умумлаштиришга ҳаракат қилиб, жанрлар хусусиятлари ҳақида назарий қоидаларни ишлаб чиқди. Асар Марказий Осиё заминида яратилган илми бадеънинг адабиётшунослик соҳаларини ёритувчи илк асари дейиш мумкин. Унгача яратилган асарларда бу соҳанинг айrim жиҳатларига доиргина фикрлар баён қилинарди. Асада шеърнинг, ғазалнинг, қасиданинг ва бошқа форсий адабиётдаги жанр, шаклларнинг ҳам лугавий, ҳам истилоҳий маънолари, мавзу йўналиши, бир-биридан фарқлари ёритилади. Шуни айтиш мумкинки, XV аср туркий ижодиёти дастлабки девончиликка қадам қўйган ва илми бадеънинг илк қўлланилаётган жанрларга мурожаат давридир. Ўзбек ёзма поэзияси лирик жанрларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида уч омил таъсир манбаларининг муҳим роль ўйнаганлигини қайд қилмоқ лозим.

1. Туркий халқларнинг қадимдан давом этиб келган маънавий қадриятлари, оғзаки шеърияти, мусиқаси анъаналари. Қадимият обидалари, ёзма ва оғзаки манбалар таркибида халқ шеъриятига мансуб қўшиқлар, бадиият унсурлари учрайди. Бу жиҳатдан, айниқса, қомусий олим, тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги адабий материаллар, фикрлар катта аҳамиятга эга. Бу асада Ўрта Осиё туркий халқларининг XI асрғача бўлган оғзаки, қисман ёзма ижоди намуналари келтирилгандир. Адабиётшунос олимларимиз фикрича, агар улар тўпланса, XI асрғача ривожланиб келган туркий халқлар оғзаки ва ёзма шеъриятнинг гўзал бир мажмуаси майдонга келиши мумкин. Таниқли олим А.Ҳайитметов шу улкан обидадаги шеърий намуналарни тадқиқ этар экан, «...Яқин вақтларгача ҳам баъзи адабиётшунослар «Девон»га киритилган барча тўрликларни халқ оғзаки ижодига оид деб қарап эдилар. Бу тўрликлар билан чуқурроқ танишиш, муаллифнинг қатор таъкидлари, унда келтирилган шеърий мисолларнинг ҳаммаси ҳам халқ оғзаки ижоди намунаси эмаслигини кўрсатади. Уларнинг кўплари айrim

⁴⁶ Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991.

авторларнинг, шоирларнинг асарларидир. Бу эса бизда, туркий халқлар ёзма адабиёти XI асрдан анча олдин бўлган дейиш учун асос беради»,⁴⁷ деб ёзади.

Бу асарда айрим адабий жанрлар, уларнинг этимологик, луғавий, шунингдек, истилоҳий маънолари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайдики, улар араб-форс атамашунослигидан фарқ қиласиди. Унда насрый асарларга нисбатан қўлланилган сав (қисса), этук, откунч (ҳикоя), шеърий асарларга нисбатан қўлланилган қўшуғ (шеър, қасида, қўшиқ), йир (ғазал, куй, мақом) атамалари келтирилади. Бизнинг фикримизча, қўшуғ қасида, умуман шеър маъносида қўлланилган. Девонда бадиий сайқал топган тўртликлар, «Қиш ва ёз мунозараси», Афросиёб ҳақидаги қиссамарсия, тажнис ва бошқа санъатларга оид лавҳалар ҳам бор.

Алишер Навоий ҳам ўз «Мезон ул-авзон»ида вазнларини аниқлаб чиқсан «туркий», «арузворий», «муҳаббатнома», «туюқ», «чинга», «мустазод», «ўлан» кабилар Навоийгача ва Навоий даврида халқ қатламлари ичида қўлланиб келинаётган халқ шеърияти жанрлари, қўшиқлар эди. Улар ўзбек шеъриятидаги ғазал, туюқ, мустазод каби жанрларнинг аруздаги намуналарининг пайдо бўлишида, мураббаъ шеър формасининг, туюқнинг, ҳатто, рубоийнинг шаклланишида туркий халқлар шеъриятидаги шундай формалар муҳим роль ўйнаган. Бу ҳолатни Фуод Кўпрулузода, Е.Э.Бертельс, М.Юнусов, М.Ҳамраев каби олимлар асослари, жумладан, тур ва жанрлари ўзанини кўпроқ араб-форс шеърияти ва у ҳақидаги манбаларга боғлаб текшириш тўғри эмас.

2. Араб-форс шеърияти, аruz вазни орқали туркий шеъриятга ўтиб, унинг табиатига мослашиб қўлланила бошлаган лирик жанрлар. «Қутадғу билиг» асари таркибида учровчи қасида ва рубоий шаклидаги тўртликлар, қасида, соқийнома, таржибанд, мусаммат, унинг мураббаъдан ташқари шаклий хиллари, қитъа, таърих, муаммо, бағишлиов, ҳасбу ҳол, васф кабилар шулар жумласидандир. Бу шеър наъвларини ифодаловчи атамаларнинг араб-форс тилларида эканлиги ҳам шунга ишорадир. Бироқ, қасида – қўшуғ, қўшиқ тарзида; чистон – луғз, топишмоқ, билмача тарзида; ғазал – йир, қўшуғ тарзида туркий поэзияда ҳам бармоқ – хижо вазнларида мавжуд эди. Аруз жорий этилгач, миллий ўзанларга эга бўлган жанрлар арузда ёзила бошланди, унинг

⁴⁷Хайитметов А. Ҳаётбахш чашма. – Тошкент: 1974. – Б.138-140.

қонунларига бўйсундирилди. Жанр атамалари ҳам арузга мослаштирилди. «Маълумки, туркий халқлар ёзма адабиётининг вужудга келиши узоқ тарихга эга. Унинг шаклланишида туркий қавмлар эътиқод қилган монийлик ҳамда будда диний оқимларининг ҳам таъсири катта бўлган. Мазкур оқимлар таъсиридаги ижод намуналари туркий адабиётнинг қонуниятлари, унинг шаклланиши ва ибтидосини ўрганиш ҳамда тасаввур қилишга ёрдам беради. Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олингач, мазкур худудларда Ислом таъсиридаги туркий ёзма адабиёт шаклана бошлади. Туркий исломий адабиётнинг юксалган даври X-XII асрларга тўғри келади. «Девону луготит турк», «Кутадғу билиг», «Девони ҳикмат», «Боқирғон китоби», «Хиббатул-ҳақойик» каби асарларнинг яратилиши шу даврда ўзига хос илмий ва адабий муҳитнинг шаклланганлиги ҳамда унинг салоҳиятидан дарак беради. Айниқса, қадимги тўртлик шакли ва халқ удум ва одатлари билан боғлиқ марсия шакллари аруз, қисман бармоқда тараққий этди».⁴⁸

3. Истеъодд эгаларининг бадиий ижод соҳасидаги изланишлари, услубий-поэтик йўналишларда қилган ихтиrolари. Жаҳон адабиётида қайси шеър тизимида бўлишидан қатъи назар, маълум бир поэтик жанр ёхуд жанрларда алоҳида маҳорат кўрсатган, уларнинг такомилида сезиларли роль ўйнаган ижодкорлар анча: араб шоираси Ал-Ханса марсияда, Рўдакий, Унсурий, Анварий, Ҳақоний, Салмон Саважий форсий қасидада, Манучехрий, Қатрон Табризийлар мусамматда, Ибн Ямин ва Анварий қитъада, Бурҳониддин Аҳмад Туркий туюқда, Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандийлар ғазалда, Озарбайжон шоираси Махситий Ганжавий ва Хайём рубоийда кўпроқ асарлар яратишиб, шу лирик жанрлар такомили ва ривожида ихтиrolар қилганлар, шухрат қозонганлар».⁴⁹

«Назмнинг ilk намуналари яратилган кезлардаёқ шеърият хақида фикр айтилгани, унга баҳо берилгани исбот талаб қилмайди. Бироқ, шеършунослик илмнинг алоҳида йўналиши сифатида нисбатан кейинроқ шакллангани, тараққий этгани ҳам рост. Адабиётшунослигимизда юксак савияли маҳсус илмий-назарий асарларнинг кейинги замонларда яратилгани ҳам буни

⁴⁸Маматкулов М. Қадимги туркий адабиёт жанрлари поэтикаси. Ф.ф.ном. ...дисс. автореф. – Т., 2004.

⁴⁹Орзебеков Р.Ўзбек лирик шеърияти жанрлари.-Тошкент: Фан, 2006 –Б.10-12.

тасдиқлайди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға», Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», «Мажолис ун-нафоис» Заҳириддин Бобурнинг «Рисолай аruz» асарлари шеършунослигимизнинг ана шундай мумтоз намуналариданdir⁵⁰. Туркийда ижод қилганлар назмиётида ўша давр анъанавий шеър навлари кенг қўлланилган. Айниқса, ғазалчиликка мурожаат кўп кўзга ташланади. XV асрнинг I ярми мавлоно Лутфий, Саккокий, Атойи, Гадоий, Мухаммад Темур Буғо, Шайх Аҳмад Тарозий каби туркигўй шоирлар ижодида адабий таъсир ва алоқалар туфайли ғазал, қасида, мусамматнинг айрим мустақил намуналари пайдо бўлди. Айниқса, ғазал лириканинг етакчи жанрларидан бирига айланди. Аҳмад Тарозий, Лутфий, Саккокий, Гадоий каби адабиётшунос ва шоирлар қасида жанри ривожида муҳим рол ўйнадилар. XV асрнинг иккинчи ярмига келиб буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг қудратли истеъоди туфайли ўзбек шеъриятининг мавзу доираси, жанрлари таркиби янада бойиб, янгича ривожланган ҳолат касб этганлигини кузатиш мумкин. Алишер Навоий ғазалчиликда беназир ижод этди. Унинг янги шаклий навларини кашф этди. Унинг ижоди, ихтирочилиги туфайли ўзбек шеъриятида луғз (чистон), соқийнома, дебоча, тазмин мухаммас, мусаддас ва мусамман жанрлари пайдо бўлди ва ривожлана бошлади. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг ижодиёти ҳар бир даврланишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиёт доим ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирига таъсир этади. Бу даврдаги ёзма адабиётнинг тараққиётида ҳам халқ оғзаки ижоди бой манба, ижодкорлик мактаби бўлиб хизмат қиласи. Ёзма адабиёт намояндалари халқ асарларининг мавзуси ва ғоялари, сюжет ва образларидан, адабий услуб ва бадиий усусларидан, сўз бойлиги, поэтик жиҳатдан ижодий фойдаландилар, унинг бой меросидан: мақол, нақл, халқ таъбирларидан фойдаланиб салмоқли ижодини яратишган. XIV аср ижодкорларида девон тартиб беришлик форсий баёт жамланмасидан андоза олинганлиги билан аҳамият касб этади. Айнан уларда девон таркиби 5-6 жанрлар билан бойиди. «XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган туркигўй шоирлар адабиёт, санъат ва маданиятни бойитишга муносиб ҳисса

⁵⁰ Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. Тошкент:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, - 2015. - Б.63.

қўшган. Алишер Навоий ижодининг такомиллашуви, юксак чўққига кўтарилишида уларнинг баракали таъсири бўлган. Ўз замонасида машҳур бўлган бу давр шоирларидан Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Саккокий, Дурбек, Гадоий ва бошқалар қатори мавлоно Атойининг ҳам ўзбек ғазалчилиги тараққиётига, бадиий сўз санъатига қўшган муносиб ҳиссаси бор».⁵¹ Алишер Навоий ўзбек адабиёти, санъати ҳақида ва айниқса, ўзидан аввал ижод этган шоирлар ҳақида, шеърият соҳасида, айниқса, ғазал жанрининг ривожланганини таъкидлайди. Айниқса, туркий тилларда яратилган ғазалларнинг ҳар бири жарангдор, ўзининг назокатли ифодасини Саккокий, Атойи, Лутфий, Гадоийлар ижодида топғанлигини алоҳида эътироф этади.

Бу давр шоирлари ижодида мажоздан ҳақиқатга жилваланган соф ва пок муҳаббатни куйлаганлар. Ғазалларда инсон камолоти тараннуимида ифодаланган маърифий-тасаввуфий бадиий талқин этилган. Айни шу давр адабий муҳити ўзбек адабий тилининг ривожланишига ва мустаҳкамланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Адабий тур ва жанрларнинг равнақ топишида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, қасида, нома, мунозара, достон ва бошқа жанрларда хилма-хил асарлар яратилди.

Маълумки, Хоразмий ижодидаги мажозий ва ҳақиқий ишқни фарқлантириб турувчи, ботиний маънога эга қуйидаги каби мисралар ижодкор илгари сурмоқчи бўлган ғоядан далолат беради:

*Манго учмоқ эрур васлинг ҳузури,
Юзингдан шуъла эрур тангри нури.*

Ёки:

*Ўшул кунким, сени холиқ яратти,
Сени дилбар, мени ошиқ яратти.*

Бу ўринда *дилбар* ва *ошиқ* сўзлари ўзига хос моҳиятга эга. Зеро, дилбар ёр тимсолининг азалий сифатларидан бири бўлиб, унда ишқни оловлантирувчи восита мазмуни мужассам.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, «Ишқ соликни фанога ва ундан кейин бақога олиб боради. Аммо бунда икки хил йўл, тўғриси - икки хил майл бор: бири - ҳаяжонли, сершовқин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар ичра изҳор этиб бориш майли

⁵¹Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.3-4.

бўлса, иккинчиси - осойишта, тамкинли; чуқур дарёning тубига ўхшаган ҳайбатли, вазмин, ички дарди қудратини яшириш майли. Биринчи майлнинг йирик намояндалари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абу Сайд Абул Хайр, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Бобораҳим Машрабдир. Иккинчи майл тарафдорлари қаторига Жунайд Бағдодий, Нажмиддин Кубро (бутунлай бўлмаса ҳам), Саъдий Шерозий, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларни киритиш мумкин. Боязид Бистомийдан олдин ҳам муҳаббат ҳақида гапирган сўфийлар бўлган, Айниқса, Робиа Адавиянинг ўтли муножотлари юракларни пора қилас, илоҳий муҳаббат бу авлиё аёлнинг номини афсонага айлантирган эди. Аммо Боязиднинг хизмати шуки, у бу нуқтаи назарни сўфий руҳияти билан боғлади. Унинг уқтиришича, ваҳдат ва фано шундай бир руҳий ҳолатда юз берадики, солик худди шароб ичган одамдай маст бўлиб, ўзини унутади. Бу ҳолатни у «сукра» - «мастлик» (девоналик) деб атади. Унингча, маст бўлмаган одам ошиқ эмас, ошиқ илоҳий шароб - «шарабан таҳуро»дан маству мустағрақ кишидир, у ўз вужуди - ўзини буткул унутади ва шунда аллақандай тушунтириб бўлмас бир қобилият пайдо бўлиб, солик Илоҳ маърифатини ҳис қила бошлайди. Шайх Тустарий буни ҳайрат тушунчаси орқали қуйидагича баён этган: «Қурб-марталарни ошган сари Аллоҳ улуғворлигининг асарлари зиёдроқ бўлади ва нодонликка қарама-қарши ўлароқ илм кўпаяверади ва тасаввуфий маърифат орта боради ва ҳайрат устига ҳайрат қўшилаверади ва: «Эй Раббий, ҳайрат оғушидаман», - деган нидо кўтарилади»⁵².

«Муҳаббатнома» XIV-XV аср ўзбек адабиёти тараққиётида чуқур из қолдирди.

*Муҳаббат жомидин иссанг шаробе,
«Муҳаббатнома»га айтсанг жавобе. –*

деган шоир Хўжандий XIV асрнинг иккинчи ярмида ёки XV аср бошларида машҳур «Латофатнома» асарини яратди. Ўн номадан иборат бу асарида Хўжандий ишқни тараннум этади, висол иштиёқи ва ҳижрон изтиробларини тасвирлайди. Шу билан бирга, у:

Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,

⁵² Орзивеков Р. Адабий меросимиз сехри. – Самарқанд: СамДУ, 2006. –Б.44.

Фақирлар кўнглини қилган иморат, - каби мисралар билан

баён этади.

Темурий шаҳзодалардан бўлган Мироншоҳнинг ўғли Сайид Аҳмад бошқа темурий шаҳзодалардан фарқли ўлароқ давлат ишларидан четда ва шоирликни ўзига касб қилиб 1436/37 йилларда «Таашшуқнома» асарини яратди.⁵³ Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида XV аср давр ижодкорлари ҳақида сўз юритиб, хусусан, Сайид Аҳмад ҳақида ҳам шундай қайдни ёзди: «Салим табъ ва пок зеҳн киши эрди. Хийла машхур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий ва ҳам форсий ғазал таврида девони бор», - дейди. Бироқ, Сайид Аҳмаднинг девонлари топилган эмас, унинг бизга қадар сақланиб қолган ягона асари «Таашшуқнома»дир. Бу асар Сайид Аҳмаднинг хийла қобилиятли шоир бўлганини кўрсатади. У Хоразмий ва Хўжандийдан фарқли ўлароқ, ҳар бир ғазалини маълум бир мақом билан боғлайди.

Юсуф Амирий ҳам нома жанрида «Даҳнома» («Ўн нома») асарини яратади. У Хоразмий, Хўжандий ва Сайид Аҳмаддан фарқли ўлароқ ўз асарида ишқий мавзуни ёритишга эътибор қаратган. Ошиқ-маъшук бир-бирига мактуб йўллайдилар, учрашадилар ва ўзаро мунозара қиласидилар. Бу билан Юсуф Амирий нома жанрини достонларга яқинлаштириб, унга лиро-эпик тус беради. Амирийдан бизга қадар бир лирик девон ҳамда «Банг ва Чоғир» мунозараси ҳам етиб келган. Амирий девони ғазал, туюқ, қасида ва бошқа жанрларда битилган шеърларни ўз ичига олади. У лирик шеърлари қаторида Бойсунғур ва Шоҳруҳ Мирзоларга бағишлиланган қасидалар ҳам битган.

Амирий насрда «Банг ва Чоғир» мунозарасида мажозий тарзда мақтанчоқлик ва мутакаббурликни танқид қиласиди, ишратпарастликни қоралайди. Асарда Банг - сўфи ва Чоғир - ёш йигит қиёфасида тасвирланади. Образларнинг ўзи, бир томондан, кулгили аҳволда бўлса, иккинчи томондан, бир-бирини фош қиласиди. Ижодкор мунозарада халқ ҳажвиясидан, унинг заҳархандали таъбир ва қарғишлиаридан фойдаланган.

Мунозаралар таркибида Ибн Сино, Хофиз, Хусрав Дехлавий шеърларидан парчалар учрайдики, муаллиф улар асосида асар

⁵³ Балихўжаев Ўзбеклиқ поэзияси тарихидан.-Тошкент: Фан, 1974.-Б. 9-21; Орзивеков Р. Ўзбек лирик шеърияти жанрлари. -Тошкент: Фан, 2006.

гояларини ёритишида кенг ва ўринли фойдаланган. «Банг ва Чоғир»нинг ёзилиш услуби ва ўқилиши енгил, тили эса содда туркийдир.

Юсуф Амирий ўз даврининг истеъдодли ижодкорларидан бири бўлган. «Ўзбек поэзиясида мунозара жанрининг илдизлари туркий халқлар учун муштарак бўлган «Девону луготит турк» ёдгорликларига, ундаги «Қиши ва Ёз мунозараси»га бориб тақалади. Халқ ижодида узоқ тарихга эга бўлган бу жанр XV аср ўзбек адабиётида салмоқли ўрин тутиб, бу жанрда Юсуф Амирийдан ташқари, Аҳмадий ва Яқинийлар ҳам асар яратадилар ва халқ поэзиясидаги мунозара билан бирга, форс-тожик тилидаги мунозара жанри тажрибасидан, жумладан, Асьадий Тусийдан ижодий фойдаланадилар. Аввалги сахифаларда, шоир Аҳмадий «Созлар мунозараси»да мажозий тарзда худбин ва мақтанчоқ кишиларни танқид қиласди. Яқиний эса, «Ўқ ва Ёй» насрый мунозарасида хушомадгўй ва мансабпаст кишиларни танқид қилиб, «...бу мунозарадин мақсад улким, бу давринг каж табъаларининг қошинда ҳар ким ёйдек эгри бўлса, ёnlаридин йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқтек рост бўлуб, туз юруса, Яқинийдек йироқ тушар» деб ҳукмдорлардан шикоят қиласди ва Асий деган шоирнинг қуйидаги қитъасини келтиради:

*Ҳар ки шуд рост андарин майдон,
Ҳар кужо рафт беҳузур уфтод.
Аз кажи шуд камон ба паҳлуий шоҳ,
Тир аз рости ба дур уфтод.*

(Кимки бу майдонда рост бўлса, қаерга борса ҳам беҳаловат бўлиб тушади. Ёй эгрилиги туфайли шоҳ ёнидан жой олди, ўқ эса росликдан узоқларга бориб тушди).⁵⁴

XV асрнинг Алишер Навоийгача бўлган ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларидан бири Атойидир. Унинг шеърлари ўз даврида Мовароуннахр ҳамда Хурросонда шухрат топганлиги маълум. Буюк Навоий «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») китобида унинг шеърларига юқори баҳо берган.

А.Н.Самойлович Атойи девони ҳақида фикр билдириб, унинг

⁵⁴Орзивеков Р. Ўзбек лирик шеърияти жанрлари.–Тошкент: Фан, 2006.– Б. 18.

тилига алоҳида тўхталади: «Атойи тили – чигатой тили, яъни XIV асрда ҳам («Қиссасул анбиё») қўлланиб келинган уйғур тили ўрнига XV асрда шаклланган, бироз уйғурча кўриниш (характер)даги архаизмлар ва кўпроқ насрий тилдан кўра маҳсус шеърий чигатой тилига хос бўлган «ўғуз-туркман» элементларига эга бўлган Ўрта Осиё – турк арабий тилидир. Лутфийнингнига эмас, Навоий, Бобур ва бошқаларнинг шеърий тилида биз учратган ушбу элементларнинг мавжудлиги, аввало, олд Осиё – турк адабий тилининг чигатой тилига унинг шаклланиш давридаги таъсирини изоҳлаш керак. Атойи ва Лутфий асалари шеърий чигатой тилининг Навоий ижодий фаолияти арафасидаги тараққиёти даражасини акс эттиради. Олд Осиё – турк адабий шеърий тили, ўз навбатида, салжуқийлар сулоласи даврида «салжуқий шеърлар» деб аталадиган шеърлардан маълум бўлишича, туркманчалашган уйғур тили асосида шаклланади, кейинроқ эса бироз чигатой тили таъсирига тушди. Шу сабабли ҳам, илк шеърий ёдгорликларда акс этган ҳар иккала тил – чигатой ва олд Осиё-турк тилларида баъзи умумий архаик элементлар кўзга ташланади.

Темурийлар даври туркий адабиёт вакиллари ижодининг қирраларини ўрганиш нафақат ўзбек, балки хориж олимларининг ҳам диққат марказида бўлиб келган. Чунончи, Ф.Д.Артамошина Лутфий, Атойи, Саккокийлар ижодидаги араб, форс ва туркий тили унсур (элемент)ларини қиёсий ўрганиб, уларни фоиз ҳисобидаги жадвалда ёритиб беради:

Муалифлар	умумий	ҳисобда	такрор ҳисобга	олинмаган ҳолатда
	Араб-форс унсулари	Туркий унсурлари	Араб-форс унсурлари	Туркий унсурлари
Лутфий	42 – 48	52 – 58	39 – 51	49 – 61
Атойи	57	43	63 – 59	31 – 37
Саккокий	50 – 57	43 – 50	58	42

Мавлоно Лутфий ҳам шу даврнинг намояндаларидан бўлиб, ўз замонининг «малик ул-каломи». Яқин вақтларгача Лутфийнинг таваллуд топган ва вафот этган жойи Ҳиротнинг Деҳиканор мавзеи деб кўрсатиб келинган. Шайх Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлиб ёзилган «Фунун ул-балоға» асари топилгач,

ундаги «маъдан ул-латойиф Лутфийи Шоший» жумлалариға асосланиб, Лутфийнинг она ватани Тошкент бўлган, деган фикр ҳам илгари сурилди. Лутфийнинг ҳаёт йўли сингари, ижодий тақдири ҳам жуда ибратли. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маълумот берилишича, Лутфий умрининг охирларида «офтоб» радифли бир шеър ёзган, ўша замоннинг кўп шоирлари унга татаббуъ қилганлар, аммо улардан ҳеч бири Лутфийнинг «панжасига панжа» ура олмаганлар. Алишер Навоий сўзи билан айтганда, у «форсий ва туркийда назири йўқ» шоир бўлган. Лутфий гарчи ўз она тили - туркий тилда яратилган шеърлари билан машҳурликка етишган бўлса-да, форсийда ҳам ўзининг шоирлик иқтидорини намоён қилган. Шунинг учун ҳам, у нафақат ўз замондошлари ва ижод аҳли орасида, балки давр ҳукмдорлари олдида ҳам юқори мавқега қўтарилиган ижодкор бўлган.

Ҳақиқатан ҳам Лутфийнинг шеърияти – хилма-хил шакллардан таркиб топган мазмундор, рангин шеърият. Лутфийшунос олим С.Эркиновнинг таъбири билан айтганда “Лутфий ўз лирикасида ўзбек тили ва халқ поэзиясидан жуда моҳирлик билан фойдаланди. Турли-туман сўз ўйинлари, ҳусни таълил, мажоз каби шарқ классик адабиётига хос поэтик приёмлар, оригинал ўхшатишлар, кучли муболагалар, ғазал, рубоий, туюқлар таркибиға сингиб кетган халқ мақоллари, образли иборалар Лутфий лирикасини ёқимли ва жозибали қилиб туради”.⁵⁵

Лутфий ғазалнавис сифатида Шарқ адабиётида барқарорлашган адабий-эстетик анъаналар билан халқ оғзаки ижодиёти тажриба тамойили ва усулларини ниҳоятда моҳирлик билан мувофиқлаштирган. Шу боисдан ҳам унинг ғазалларида миллий ҳис-туйғулар нурланиб, инсоний дард, армон, қайгу ва шодлик тасвири такрорсиз бир таъсирчанлик касб этган. Лутфий наинки ғазалларида, рубоий, туюқ, қитъа, фардга ўхшаш бошқа жанрлардаги шеърларида ҳам нафосат ҳисси шаклланган, дид ва савияси баланд кишиларнинг - зукко ва ҳаётсевар халқ вакилларининг фикру туйғуларини тараннум этган. Лутфий ижодиётида асосий мавзу ишқ ва асосий мақсад ошиқнинг ҳасбу ҳолини тасвирлашдан иборат бўлса-да, шоир деярли ҳар бир шеърида мавзуга янгича ёндашиб, бетакрор оҳанглар яратади, моҳиятига мос поэтик образлар топади, бир-бирига ўхшамайдиган

⁵⁵ Эркинов С. Лутфий. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958. –Б. 8-9.

бадиий санъатларни қўллайди. Лутфий девонида *ташибиҳ*, *талмеҳ*, *тазод*, *иҳом*, *ҳусни таълил*, *ирсоли масал* каби бадиий санъат намуналари кенг қўлланган. У рубоий, туюқ, қитъаларини ҳам санъат намунаси мақомига кўтара олган. Лутфий шеъриятининг таъсири фақат Ўрта Осиё билан чегараланиб қолмасдан, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига ҳам етиб борган. Атоқли турк олими М.Ф.Кўпрулизоданинг эътироф этишича, Лутфийнинг шеърлари ёлғиз чигатой шоирлари орасида эмас, балки «Харобот» муаллифи Зиё Пошога қадар бўлган усмонли турк шоирлари орасида ҳам завқ билан ўқилган.

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган туркий шоирлар адабиёт, санъат ва маданиятни бойитишга муносиб ҳисса кўшишган. Алишер Навоий ижодининг такомиллашуви, юксак чўққига кўтарилишида уларнинг баракали таъсири бўлган. Ўз замонасида машҳур бўлган бу давр шоирларидан Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Саккокий, Дурбек, Атойи ва бошқалар қатори мавлоно Гадоийнинг ҳам туркигўй халқлар шеъриятига, хусусан, ўзбек ғазалчилиги тараққиётига, бадиий сўз санъатига кўшган муносиб ҳиссаси бор.

Гадоийни етиштирган давр, яъни XV асрдаги Мовароуннахр ва Хуросондек улкан мамлакатлардаги ниҳоятда мураккаб тарихий шароит, ижтимоий тузум, маданий ва адабий ҳаёт шарқшунос, адабиётшунос олимлар асарларида, илмий тадқиқотларида ёритилган. Гадоий ижоди ана шу муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. У ўз ижоди билан XV аср ўзбек мумтоз шеърияти ривожига катта ҳисса кўшган. Хусусан, лирик жанрлар тараққиёти, ғазалларнинг мавзу ва мазмун ранг-баранглиги, вазн, қофия ва бадииятнинг бошқа унсурларидан фойдаланиш маҳорати масалаларида ўз даври шеърияти учун ўзига хос мактаб яратган ижодкорлардан биридир. Гадоий шеърлари арузнинг асосан халқ қўшиқларига яқин рамал ва хазаж баҳрларида ёзилган; тили халқона содда, вазни енгил, шўх ва ўйноқи. Фаҳрий Ҳиротийнинг «Радойиф ул-ашъор» тазкирасига киритилган Гадоийнинг форсий ғазали бизга қадар етиб келган ягона намуна бўлса-да, шоирнинг бу тилдаги ижодий маҳорати ҳақида муайян тасаввур уйғота олади. Бу эса ўзбек адабиётида Хоразмийдан бошланган зуллисонайнлик анъанасининг муносиб давомчиси бўлганлигини асослайди.

Диссертациянинг дастлабки боби юзасидан қуйидаги

умумлашма хулосаларни билдириш мумкин:

Мавлоно Гадоий шахсияти ва адабий меросини ўрганиш Ҳазрат Алишер Навоийдан бошланган эди. Навоийнинг шоир таржимаи ҳоли («ёши тўқсондин ўтубдур», «Бобур Мирзо замонида шеъри шуҳрат тутди»), ижодий услуби («туркигўйдур», «бир навъи айтур»), мавқеи («машоҳирдиндур») ҳақидаги қайдлар муҳим аҳамият касб этади.

Гадоий ижодининг ўрганилиш тарихида хорижий олимлардан Фуод Кўпрулу, Э.Блоше, А.Бомбачи, Я.Экман, ўзбек олимларидан С.Ғаниева, Э.Р.Рустамов, М.Рустамов кабиларнинг тадқиқотлари, устоз олим Э.Аҳмадхўжаевнинг бир неча йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотлари, айниқса, 1978 йилда «Гадоий» монографияси нашр эттирилиши муҳим аҳамият касб этди. Олим ягона қўллўзма асосида бўлса-да, Гадоий шеъриятининг матнини тиклаш, такомиллаштириш масаласида жиддий ютуқларга эришган.

Гадоий адабий мероси мамлакатимиизда бир неча маротаба нашр эттирилган. Бироқ уларда баъзан девонни тўлиқ қамраб олмаслик, баъзида эса лирик асарларнинг матни билан боғлиқ нуқсонлар кузатилади.

Гадоий ижодини ўрганилиш тарихида энг кўп мурожаат этилган, мунозараларга сабаб бўлган масалалардан бири шоир қасидаси ва унинг мамдуҳи масаласидир. Унинг ечимини топиш учун қасиданинг ўзидан ташқари, даврнинг тарихий манбалари ҳамда Гадоийнинг бошқа шеърларидаги ишораларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Бинобарин, мазкур тадқиқотларни мукаммаллаштириш, умумлаштириш, шоир бадиий маҳорати ва поэтик услубига доир монографик тадқиқот яратиш адабиётшунослик ва ўзбек адабиёти тарихи илмининг муҳим вазифалариданdir.

Темурийлар даврида илм-фан, маданият, шу жумладан, санъат ва адабиёт юксак даражада ривожланганлигининг асосий омилларидан бири ҳукмдор табақанинг бу соҳага алоҳида эътибор билан қараганлигидир.

Туркий-ўзбек адабиётининг тарихий тараққиёти босқичларида бадиий ижод намуналари араб, форс-тожик ва туркий тилларда яратилди. Бошқа тилларда ижод этиш баробарида шу тилларда мавжуд бўлган бой ижодий тажрибалар: лирик ва

эпик жанрлар, ранг-баранг шеърий вазнлар, образ, деталь ва бадиий тасвир воситалари адабиётимизнинг тобора ривож топиши, шакл ва мазмун жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилди.

Мумтоз адабиётимиз тарихида жанрий ранг-баранглик дастлаб дидактик достонлар таркибидаги шеърий шакллар (маснавий, тўртлик, қасида) тарзида, сўнгра номанавислик анъанаси таъсирида ғазал, қитъа, соқийнома, маснавий, фард сингари жанрлар тобора мустақиллик касб эта бошлади. Агар Атойи девони фақат ғазаллардан иборат бўлса, Юсуф Амирий девонида ғазал, таржеъбанд, туюқ; Саккокийда ғазал ва қасида; Гадоийда ғазал, қасида, мустазод, қитъа; Лутфийда ғазал, қитъа, қасида, туюқ, фард; Ҳофиз Хоразмийда қасида, ғазал, мустазод, мухаммас, таркиббанд, таржиъбанд, қитъа, марсия, рубоий намуналарини учратишимиз мумкин.

Сайфи Саройининг бизга қадар етиб келган лирик асарлари арузниң тўртта баҳри доирасида саккиз хил вазнда ёзилган бўлса, Ҳофиз Хоразмийга келиб тўққиз баҳрга тегишли бўлган 53 вазндаги лирик асарлар яратилди. Гадоий эса ҳазаж, рамал, ражаз, музориъ, мужтасс ва хафиғ баҳрларининг жами 12 хил вазнидан фойдланган.

XV аср адабиётининг муҳим жиҳатларидан бири зуллисонайнликдир. Хоразмийдан бошланган бу анъана Юсуф Амирий, Яқиний, Саккокий, Лутфий, Гадоий каби кўплаб шоирлар томонидан ривожлантирилди. Гадоийнинг форс-тожик тилидаги ягона ғазалининг ўзиёқ шоирнинг бу тилдаги ижодий маҳорати хақида муайян тасаввур уйғота олади.

ГАДОЙ ИЖОДИДА МАЬНАВИЙ ВА ЛАФЗИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Шеър илми ва унинг ифодаси кенг кўламда тадқиқ этилган. Бадий санъатлар ижодкорларнинг шеъриятида нафис чизгиларда ўз аксини топади. Бадий адабиётнинг назарий қўлланмаси дастлаб араб ва форсийларда пайдо бўлган, кейинчалик XIV асрларда эса, туркийларда Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (“Етуклик илмлари”) асари илм майдонига келган. “Илгари ўтган адабиётшунос олимлар адабиёт назарияси бўйича китоб ёзганларида кўпинча бир – ё шеър турлари, ёки вазн, ёки бадий санъат масаласига тўхталганлар ёки бирор шеърий жанр хусусиятларини ёритиб берганлар. Шайх Аҳмад эса, бу соҳада мукаммал бир қўлланма яратишни ўз “рисола”сида назарий масалаларининг барчасини ёритиб, таҳлил қилиб беришини ният қилади, токи уни ўқиган кишилар назариядан мумкин қадар тўла маълумот ва фойда олсин”⁵⁶. Айнан шу асарнинг учинчи қисми илми бадеъ яъни шеърий санъатларга бағищланган. Асарда бадий санъатнинг назарий маълумотлари ўша давр ижодкорлари намуналари мисолида асосланган. “Фунун ул-балоға” ўзбек тилидаги адабиётнинг назарий масалалари бўйича илк мукаммал қўлланма. Бу каби назариялар Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Бобурнинг “Мухтасар”ларида ҳам тўлиқ шарҳланган. Асарларда албатта, илми бадеъ назарияси ёритилиб, ғазаллар билан далилланади. Юқоридаги асарларда келтирилган тамойил ва талаблар асосида кўплаб ижодкорлар ғазалиёти тадқиқ этилиб келинмоқда.

Жумладан, Гадоий шеъриятида ҳам сўз санъати намуналари ўзига хос тарзда ёзилгандир. Шоир Гадоий ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг йирик намояндаси сифатида забардаст ғазалнавис замондошлари Лутфий, Атоий, Саккокийлар сингари ўзбек мумтоз адабиётининг лирик жанрлари, айникса, “туркий” деб аталувчи арузнинг рамал баҳридаги ошиқона ғазалларнинг ривожланиб, бойитиб, мавзу доираси ва образлар силсиласининг кенгайишига, унинг янада юқори тараққиёт босқичига ўсиб чиқишига, такомил топишига ўз ҳиссасини қўша олди. Гадоий лирикаси услубий жиҳатдан замондошлари лирикаси билан ҳамоҳанг. Унинг лирик меросининг мундарижасини ишқий-лирик мазмундаги шеърлар ва

⁵⁶ Хайитметов А. “Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма”. 2002 й, №1, 71-6.

уларга боғлиқ ҳолда турли ўринларда келган ижтимоий-сиёсий, фалсафий мотивларни ташувчи ғазаллар, байт ва мисралар ташкил этади. Гадоий етук санъаткор сифатида ҳаётни кенг ва чуқур, ёрқин ва ранг-баранг акс эттира олган. Шоир Гадоий ўзбек адабиётининг йирик намояндаси сифатида забардаст ғазалнавис замондошлари Лутфий, Атоий, Саккокийлар сингари ўзбек мумтоз адабиётининг лирик жанрлари, айниқса, «туркий» деб аталувчи арузнинг рамал баҳридаги ошиқона ғазалларнинг ривожланиб, бойиб, тимсол ва образлар силсиласининг кенгайишига, унинг янада юкори маърифий тараққиёт босқичига қўтарилишига хизмат қилган. Гадоийнинг дунёвий адабиёт тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган ижтимоий-маърифий, адабий ва эстетик қимматга эга бўлган ғазаллари гоявий мазмуни ҳамда мундарижаси жиҳатидан ранг-барангдир. Шоир уларда ижтимоий-сиёсий масалалар – замонасидан норозилик ва шикоят мотивлари, инсон ва унинг ҳаёти, диний, маърифий масалаларга ўз муносабатини акс эттирган. Гадоий ўзидан бадиий етук ашъор қолдирди. Ҳар бир ашъорида Гадоий ўз истеъоди доирасида маҳорат кўрсата олди. Шоир шеърий санъатлар ифодаси учун ижод этмади, билакс поэтик фикрни теран ифода этиш учунгина бадиий воситалардан фойдаланди. Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, унинг ижодида ҳам маънавий ва ҳам лафзий санъатлар бирдек моҳирона қўлланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Гадоий ижоди бадиий санъатларнинг сержилолиги билан ҳам ўкувчининг дилидан жой олади. Қолаверса, сўз қўллаш маҳорати билан муаллиф ўзининг ички ҳиссиётларини ошкор этади. Гадоий лирикаси мавзуй жиҳатдан замондошлари лирикаси билан ҳамоҳанг. Унинг лирик меросининг мундарижасини ишқий-лирик мазмундаги шеърлар ва уларга боғлиқ ҳолда турли ўринларда келган ижтимоий-сиёсий, фалсафий оҳангларни ташувчи ғазаллар, байт ва мисралар ташкил этади. Гадоий етук санъаткор сифатида ҳаётни кенг ва чуқур, ёрқин ва ранг-баранг акс эттира олди.

МАВЛОНО ГАДОЙ ЛИРИКАСИДА МАЊНАВИЙ САНЊАТЛАР

Бир придметни бошқасига ўхшатилишига – **ТАШБИХ** санъати дейилади. Мумтоз адабиётда анъанавий ташбехлар:

Лаб-лаълга;
Соч-сунбулга;
Тиш-дурга;
Кўз-чўлпонга;
Қад-сарвга; гулга;
Юз-ойга, гулга;
Зулф-анбарга;

Қош-ҳилолга ўхшатилади. Ушбу санъат “шарқ адабиётида кенг тарқалган санъатлардан бири бўлиб, “ўхшатиш” мањносини ифодалайди. Икки нарса ёки тушунчани улар ўртасидаги ҳақиқий (реал) ёки мажозий муносабатларга кўра ўхшатиш санъатидир. Ташбиҳ санъати тасвирланаётган шахс, буюм ёки тушунчани ўқувчи кўз ўнгida аникроқ, жозибалироқ гавдалантиришга хизмат қилиб, асар тимсоллари мањнавий қиёфасини ёрқинроқ очиш, бинобарин, шоир ғоясини ўқувчи онгига тўлароқ етказишга имкон беради”⁵⁷.

Лабингдек оби ҳайвон ҳай не нисбат,
Тишингдек дури ғалтон ҳай не нисбат.

* * *

Саҳий сарв қадинг бирла тенг ўлга,
Ниҳоли боғи ризвон, ҳай не нисбат.

* * *

Не балолиғ ҳасрату армон била борғум дуурур,
Гар мен ўлсам ой юзунгни кўрмайин ногоҳ умид.

* * *

⁵⁷ Ҳожиахмедов А. Шеър санъатларини биласизси?. – Т., 1999 йил 6-б.

То тирикдур, сендин ўзга қолмағай ҳаргиз, Гадо,
Эй юзи гул, қомати сарви хиромон, шўх-шўх.

* * *

Бу зарофат, бу тароват бирла, эй коши хилол,
Қўймадинг оламда хусни лутфу истиғноти ийд.

* * *

Сунбул сочинги, ол ила гулбарги тар қучар,
Хорут эрурки, сехр ила қурси қамар қучар.

* * *

Мунтаҳодур ой юзунг қошинда ул чўлпон кўзунг,
Ким қуёш ёнинда эрур матлаъи ахтар ғариб.

* * *

Гултек танингни кўргали мунглуг мену сочинг,
Давлати қулки, ҳар кеча хуш то сахар қучар.

ИСТИОРА – ташбих санъатида қўлланган ўхшатилаётган
придметнинг ўзигина шеър таркибида келади ва қиёсланаётган
придмет эса, шеър таркибида қўлланилмайди. - “Бирон нарсани
омонатга (вақтинча) олмоқ” деган маънони ифодалаб, адабий
асарда сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, аниқроғи уни
ҳақиқий маъносида эмас, балки мажозий маънода қўллаш санъати
саналади. Кўпинча бу икки маъно ўзаро ўхшашликка
асосланади”⁵⁸.

Ҳар қачон лаълинг табассум қилса, шаккар сочилур,
Чун такаллумингдин дам урса, дурру-гавҳар сочилур.

* * *

Сунбулунгдин бу димоги муаттар ғилғали,
Топмади ўзга жаҳонда анбари ашҳабда тийб.

ТАФРИТ – (“литота” – little(инг) - кичик) – кичрайтириш

⁵⁸ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 29-б.

санъати бўлиб, бунда воқея ва придметлар кичиклаштирилган ҳолда, “кучсизлантириб тасвирлаш”⁵⁹ тушунилади.

Гар бор десам оғзингкиу белингни, камохий,
Чиндур, ажаб исботи-ю ёлғон деса бўлур.

МУБОЛАҒА - (гулув) санъати- бирор воқея ва придметларни бўрттирилган ҳолда тасвирлашга айтилади. “Араб тилида “катталаштириш”, кучайтириш” маъносини билдириб, адабий асарда тасвирланаётган бадиий тимсол ҳолати ёки ҳаракатини бўрттириб, кучайтириб ифодалаш санъати демакдир. Бу хил тасвирда бадиий тимсол хусусиятлари яққолроқ намоён бўлади, ўқувчининг кўзи олдида ёрқинроқ гавдаланади”⁶⁰.

Кўзинг гар бир қиё боқса, халойиқни қирап ғамзанг:
Мусулмонлиқдин эрмас буки, ноҳақ мунча қон айлар.

ТАШХИС (шахс) санъати деб, табиатдаги нарса-ҳодисаларни ва ҳайвонларни шахслар сингари тасвирлашга айтилади.

Яра бўлуб эмди қон ютсун кўнгул ҳасрат била,
Билмаган учун висолинг қадрини ул чоғлар.

* * *

Юрагимни ёрди ҳижронинг жафо тифи била;
Марҳами охир не бўлди, нетти, бир дам яра ёр.

* * *

Қочибон зулмат ичига кирди ой юзунг кўруб,
Инфиолингдин тун охшом офтоби ҳоварий.

* * *

Булбули гўё эшиткач гул юзунг авсофини,
Дам баҳуд қилди-ю қўйди ул бурунқи лофини.

* * *

⁵⁹ Асаллаев А, Раҳмонов В, Мусурмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси, - Т., 2005 йил 6-бет.

⁶⁰ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 41-б.

Ўз хатосидин агар лоф урса зулфунг бирла мушк,
Чин эмастур бу Хато, Тотор мундоқму бўлур?

* * *

Гамзанг қачонки, қош ёсидин новак отар,
Хокийларнинг ичинда мени ўқ нишон қилур.

ИНТОҚ (ар-нутқ) – ташхис санъатининг бир кўриниши бўлиб, бунда шахслантирилган ҳайвон ёки придметларнинг нутқ сўзлашига айтилади.

Ҳиндувий зулфунг мени кофир дединг деб тўлғонур;
Чин эмасму, эй кўзи куффор, хайбардин батар?

* * *

Алвидо айттию кетти мендин орому шикеб,
Сенсизин амр-и маҳол эрмиш, бегим, сабру қарор.

* * *

Сўрайин дедим лабингдинким, нағу тўқтунг қоним?
Гамзанг айтур: Сўрса бўлмас андин, эрур чун сағир.

ИРСОЛИ МАСАЛ – шеър таркибида мақол, ҳикматли сўзларни қўшиб, унинг мазмунини янада бадиийлаштириш санъатидир. “-Мақол келтириш- маъносини билдириб, шеърият ва насрда ифодаланаётган бирон фикрни исботлаш учун халқ мақолини келтириш санъати саналади”⁶¹.

Хусн давронин ғанимат тут, вафо қил ошиқа,
Эй бегимким, кўз юмуб очқунча бу даврон кечар.

* * *

Беш кун фурсат ғанимат тут бу дори дунёда,
Айшу ишрат қил, бегимким, асру фоний кўрнадур.

* * *

Шул халоватким, топибтур тузлук эрнингдин бу жон,
Гар унутсам ҳаққини, қилсун кўзумни ул туз оқ.

⁶¹ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 28-б.

ТАЗОД (зид)- шеъриятда бир-бирига қарама-қарши сўзларни бир байт ёки мисрада келтирилишига айтилади. «Шу сўз билан аталувчи шеърий санъат эса, байтда маъно жиҳатидан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаб, таъсирчан бадиий тимсоллар, лавҳалар яратишни назарда тутади»⁶².

Фироқинг **аччиғи** жонимга тегди,
Мени, эй шўхи **ширинкор** унутма.

* * *

Санингдек **шоҳнинг** остонасида,
Манингдек бир **Гадо** бўлмаса бўлмас.

* * *

Агар сен ҳусн элининг **хонидурсан**,
Жаҳонда дағи мендек **Гадо** йўқ.

* * *

Гадо биш эмастур дер рақибинг,
Гадодурман, vale **султондин** ортуқ.

ТАЛМЕҲ- (“назар солмоқ”) шеър таркибида тарихий шахслар, тарихий воқея ва ходисаларни, халқ мақоллари ва ибораларининг ифодаланишига айтилади.

Лутф этиб мен хастадилни тиргуз эй Ийсонафас,
Маъдан жондур чу лаъли шаккарафшонинг санинг.

* * *

Нух тўфониндин ошти қўзларимнинг сели оҳ;
То не ерга еткусидур оқибат бу можаро?

* * *

Сунбулунг тутқунча не жавру жафоким, чекмадим;
Сабри Аюб эттим, аммо топтим охир умри Нух.

* * *

⁶² Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 125-б.

Гарчи мушкил ҳолатедур ила жон бағишиламоқ,
Ул Масих анфослиқ бегимга хуш осон эрур.

* * *

Сарчашмайи ҳайрон чу тор оғзинг дуур, эй жон,
Беҳуда эмиш ул талаби Хизру Сикандар.

ТАЖНИС (жинсдош) – шеър таркибида шаклдош сўзларнинг қўлланишига айтилади. “шеър байтида маъно жиҳатидан ҳар хил, аммо шакли бир хил ёки шаклан бир-бирига яқин икки тимсолни таъсирчан ифодалаш санъатидир”⁶³. Мумтоз адабиётнинг туюқ жанрида тажнис санъати кенг қўлланилади.

Хусраво, усрук кўзунгнунг шавўидин,
Хуш сужудайлар дамл-дам **қўшқулоқ**.
Жойи улдурким, санга хуршиду мох,
Куллук этгайлар тутубон **қўш қулоқ**.

* * *

(Агар) қилсам шаккар ирнингдин савол,
Мен Гадоға лутфи бирла **кел ма дер**.
Чун борур бўлсам ёвуқроқ қошиға,
Шум рақиби беҳақиқат **келма дер**.

ТАНОСУБ – шеър таркибида уядош сўзларнинг қўлланилишига айтилади. “Шеър байтларида маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаб, улар воситасида образли ифодалар, лавҳалар яратиш санъати таносуб”⁶⁴нинг асосий белгисидир:

Сенсиз, эй гули **боғи** жинон, **ғунча** менгизлик,
Қат-қат юрагим гар тўла қон бўлди, не бўлди?

* * *

Мустадом ўлсун камоли ҳусну жоҳингким, бу кун,
Мехру маҳ ҳайрон эрур, эй кўзи **чўлпоним**, санга.

⁶³ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 104-6.

⁶⁴ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 128-6.

* * *

Сенсиз, эй гули **боғи** жинон, **ғунча** менгизлик,
Қат-қат юрагим гар тўла қон бўлди, не бўлди?

* * *

Хуш **табибесенким**, эрур ошиқи **дилхастаға**,
Хоки пойинг **нўшдору**, эшигинг **доруш-шифо**.

* * *

Мустадом ўлсун камоли хусну жоҳингким, бу кун,
Мехру **маҳ** ҳайрон эрур, эй кўзи **чўлпоним**, санга.

ТАЖОҲУЛУ ОРИФ – “билиб туриб билмасликка олиш” маъносини билдиради ва шеър таркибида шубҳа, гумонсираш мазмуни мисраларда ифодаланишига айтилади. “Тажоҳулу орифона қўлланган байтларда кўпинча маҳбуба тимсоли қиёсий ҳолда тасвирланади, бир ёки бир неча нарсага ўхшатилади, лекин узил-кесил фикр билдирилмайди. Шоирнинг ўзини билиб билмасликка солиши шартли бўлиб, асл мақсад таъриф ёки тавсифдан, ёр қиёфасини муболагали тарзда гавдалантиришдан иборат бўлади”⁶⁵.

Лабингдек оби ҳайвон ҳай не нисбат,
Тишингтек дури ғалтон ҳай не нисбат.

Қуёшға яъни нисбат қилмиш ўлсам,
Сени, эй шоҳи хубон, ҳай не нисбат.

Сахий сарв қадинг бирла teng ўлғай,
Ниҳоли боғи ризвон, ҳай не нисбат.

Бу кўнглум ишқингда ҳошоки, бўлғай,
Жафо бирла пушаймон, ҳай не нисбат.

Лабингдур хаста кўнглумнинг давоси,

⁶⁵ Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 120-б.

Бу дарда ўзга дармон, ҳай не нисбат.

Маозаллоҳки, шириналлик талашқай,
Набот эрнинг била, ҳай не нисбат.

Гадо кўнглинда тор оғзингдин ўзга,
Топилмағай зарра армон, ҳай не нисбат.

* * *

Аллоҳ-аллоҳ, бу не шаклу шеваву тамкин бўлур,
Бу латофат бирла, билман, хурсен ёхуд парий.

РУЖУЪ (ар-қайтиш) – шоир шеърда бирор ташбеҳни келтиради ва кейинги мисраларда эса, ундан чекиниб, ундан ҳам кучлироқ ўхшатишни қўллашга айтилади. “Шеъриятда шоирнинг олдинги мисра ёки байтда ифодаланган фикри, қўлланган бадиий тасвирий воситасидан қайтгандек бўлиб, кейинги мисра ёки байтда унга қараганда кучлироқ ифода, шеърий санъатни келтириш ёки олдинги фикрни аниқлаштириш, тўлдириш усулидир”⁶⁶.

Ул малаксиймо санам, гар ҳур эмастур ё парий,
Пас недур бу насли одамдин аниңг юз ё барии?

ИЙХОМ санъати - шеърдаги бирор сўзни икки хил маънода қўлланишига айтилади. “Араб тилида “шубҳага солиш” деган маънони ифодалайди. Мумтоз адабиётда эса ийҳом икки хил тушунчани ифодаловчи, шунингдек, ҳақиқий ва мажозий маъноларга эга бўлган сўз ёки сўз бирикмасини шеъриятда қўллаган ҳолда бир байтда икки хил маънони ифода этиш санъати саналади”⁶⁷.

Бу не қадтур, бу не қомат оғатлиқ хиром!
Уфтанурмен ким дейин товус ёкабки дарий.

* * *

⁶⁶ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 97-б.

⁶⁷ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 26-б.

Мазҳари ҳуснеки, дерлар ул чиройингдур санинг,
Бу латофат бирла қилғин, улча ройингдур санинг.

* * *

Ҳар балойи ғамки, хижрон әлгидин тортар муҳиб,
Ул балолардин не ғамдур, гар ҳабиб огоҳ эрур.

ЛАФФУ-НАШР – бу санъатда шоир шеъри таркибида бир-
бир предметларни санаш оҳангода келтиради ва кейинги мисрада
эса, уларга хос ташбих ёки ҳаракатлар билан тасвирлайди. “Йифиш
ва ёйиш – маъносини ифодаловчи ушбу санъат шеър байтининг
биринчи мисрасида бир неча нарса ёки тушунча номини кетма-кет
келтириб, иккичи мисрада ҳар бири ҳақидаги ҳукмларни, уларнинг
сифатларини баён қилишни назарда тутади”⁶⁸.

Бу турлук шевалик **кўз** бирла **зулғу-у орази** зебо,
Қайси жайрон, қайси **сунбул**, қайси гулзор андоқдур.

* * *

Ўз жонига ўзи **қаро қайғуни** келтирур,
Ҳар ким жаҳонда **зулфи муанбар** ҳавас қилур.

* * *

Киприкларингни кўргали ошиқ ниёз ила,
Жонига тифу **новаку ханжар** ҳавас қилур.

* * *

Лаълинг била **тишингни** чу кўрдум, равон дедим:
Дуржи ақиқ кўрки, на **дурри гавхар** қучар.

⁶⁸ Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 33-б.

МАВЛОНО ГАДОИЙ ЛИРИКАСИДА ЛАФЗИЙ САНАЪТЛАР

ҚОФИЯ – шеърнинг ҳар бир мисраси охиридаги оҳангдош сўзларнинг қўлланилишига айтилади.

Ул малаксиймо санам, гар хур эмастур ё парий,
Пас недур бу насли одамдин аниг юз ё барий?

БОШҚОФИЯ – шеърнинг бошида келадиган сўзларнинг оҳангдош бўлиб келишига айтилади.

Эй малоҳат буржидин толеъ саодат ахтари,
Эй латофат бобида боштин оёқ жон мазҳари.

* * *

Сийратинда, дилрабо давлат нишони қўрнадур,
Суратингда дағи анвоъи маъний қўрнадур.

* * *

Санингдек шоҳнинг остонасинда,
Манингдек бир Гадо бўлмаса бўлмас.

* * *

Яноқинг равзайи ризвондин ортуқ,
Дудоқинг чашмайи ҳайвондин ортуқ.

ЗУЛФИҚОФИЯТАЙН – ҳар бир мисра сўнгида иккитадан сўзнинг қофияланиб келишига айтилади.

Эй наъими нози оламдин манга дилдор умид,
Дилраболарнинг ичинда жонума дийдор умид.

* * *

Эй жароҳатлиқ кўнгул дардина марҳам дарди ёр,
Вой азалдин то абад жонимга маҳрам дарди ёр.

* * *

Эй мени оламда мундоқ қилғувчи расво кўнгул,

Жонума ҳижрон ўтини солғувчи шайдо кўнгул.

* * *

Чун гашт учун отландинг, аё сарви равоним,
Етти ети гардунга манинг оҳу фифоним.

РАДИФ – шеърнинг қофиясидан кейин такрорланиб келувчи сўзdir. “Мумтоз шеъриятимиздаги қофия анчагина ҳолатларда радиф билан биргаликда қўлланиб келган. Радиф “изма-из келувчи” маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, адабиётшуносликда қофиядан сўнг келиб айнан такрорланувчи сўз ёки сўзлар бирикмасини англатади. Радифлар шеърда ифодаланаётган етакчи фикрни таъкидлаш, ўқувчи эътиборини асосий ғояга жалб этиб шоир ғоавий ниятини ўқувчи қалбига тўлароқ, чукурроқ етказиш мақсадига хизмат қиласди”⁶⁹.

Ёз фасли боғ агарчи равзайи ризвон эрур,
Сенсиз, эй хури парийпайкар, манга зиндон эрур.

* * *

Эй манинг ҳаққимда юз турлук жафо қилған кўнгул,
Хаста жонимни гирифтор-и бало қилған кўнгул!

ҲОЖИБ – шеърнинг қофиясидан олдин такрорланиб келувчи сўзdir.

Шаккар эрнингдин наботи Миср эрур шарманда жон,
Зарратек оғзингға саргардон эрур ҳар қанда жон.

ТАКРИР – шеър таркибидаги бир қаторда бир сўзнинг бир неча марта санаш оҳангига билан такрорланишига айтилади. “Такрорлаш воситасида сўз маъносини, унинг моҳиятини таъкидлаб кўрсатиш ушбу санъатнинг асосий хусусияти саналади”⁷⁰.

Гоҳ, гоҳе гар борур бўлсам гадолиғ қилғали,

⁶⁹ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 84-б.

⁷⁰ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият лугати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й, 125-б.

Ит киби чорлар рақибинг: Эшиктин нари бор!

Ҳосид айтур: Ул эшикта хорсен тупроқтек,
Оғзиға, оғзиға урунг, сўзласун иззат билла.

* * *

Аллоҳ, Аллоҳ, бу малоҳатким, зилол эрнингдадур,
Хизринг чашмайи ҳайвони сенсен, ё ҳабиб.

* * *

Чун гашт учун отландинг, аё сарви равоним,
Етти, етти гардунға манинг оху фифоним.

МУКАРРАР – сўзи “қайта-қайта, уст-устига” маъноларини ифодалайди. Шеър таркибидаги бир каторда бир сўзнинг такрор тарзда қўлланишига айтилади.

Ул хумори нарғиси мастонасиндик **оҳ-оҳ**,
Қоши ёсиндин дағи кипрук ўқиндин юз фифон.

* * *

Аллоҳ-Аллоҳ, бу не шаклу шеваву тамкин бўлур,
Бу латофат бирла, билман, хурсен ёхуд парий.

* * *

Мен Гадойи хастани боре соғинғин **кеч-кеч**,
Гар мұяссар бўлмаса сўрмак, азизим, **бот-бот**.

* * *

Ул зулфи **ҳалқа-ҳалқаки**, пурпечу тоб эрур,
Сунбулдур аргувон уза ё мушки ноб эрур.

* * *

Ул **қатра-қатра** тоби арақ оразинг уза,
Шабнаммудур гул узра ва ёхуд гулоб эрур!

* * *

Ҳалқа-ҳалқа анбарин зулфунгни сол юз узраким,
Хуш ярашур сунбули сероб ила гулбарги тар.

ТАРДИ АҚС – шеър таркибидаги биринчи келган мисрадаги икки сўзнинг иккинчи мисрада ўрнининг алмаштирилиб кўлланилишидир.

Бир балодур, қаро жонимға сочинг,
Қошу кўзунг қаро бало сингари.

* * *

Ҳар нечаки, сентек манга дилдор топилмас,
Мендек санга ҳам ёри вафодор топилмас.

ТАЪДИЛ – шеърнинг бир мисрасида синоним сўзларнинг кетма-кет тарзда келишига айтилади. “-Тўғирламоқ- маъносидаги бу сўз шеърда содда отларни тартиб билан келтириш санъатини ифодалайди”⁷¹.

Севар жоним, бегим, хоним, умидим,
Азизим, дилбарим, бизни унутма!

* * *

Эй сабо, ул ғунчайи хандонумунг холи недур,
Дилбарим, умрим, умидим, жонумунг ходи недур?

* * *

Насими субҳ кетурди висол муждасин ох,
Бу не фараҳ, бу не **роҳат,** бу не **сурур** бўлур!

* * *

То фалак солди мени ул қўзи ўтлукдин йироқ,
Ёндим, ўртандим, кул ўлдум гуссада боштин аёқ.

* * *

Аллоҳ-Аллоҳ, бу **парий ё хур ё инсон** эрур,
Бу не шаклу кўзу қошу ғамзайи фаттон эрур.

* * *

Ҳар сахарки, шум рақибинг анлида жони ҳазин,

⁷¹ Ҳожиахмедов А. Шеър санъатларини биласизси?. – Т., 1999 йил 19-б.

Нечаким, ох урса, айтур: Бу ғаму дарду **бало**.

ИШТИҚОҚ – (“сўздан сўзни ажратмоқ”) шеър таркибида бир ўзакдан ясалган сўзларнинг қўлланилишига айтилади.

Чунки кўрдум шодмонлиғ бирла бу **қосид** юзин,
Ҳосилоким, **мақсади** дунёву дин бўлди хусул.

* * *

Кўюнгда **хокий** ўлди Гадонинг сўнгаклари,
Бир сўрмадингки, кимнинг учун **хокисорсен**?

* * *

Топмади, хар нечаким, **сайр** айлади **сайёр** ақл,
Сен бикин бир раҳмсиз шўхи ситамгар дунёда.

ҚАЙТАРИҚ – мисранинг бош қисмида ва охирида такрорланадиган сўздир.

Унутсан барча олам, гар **унутса**,
Сен, эй хури парийрухсор, унутма!

* * *

Бу не от миниш бўлур, бу не қиё боқиши бўлур **бу**,
Бу не ўлтуруш бўлур бу, санга жон нисору қурбон.

ИЛТИФОТ – шеър таркибида ундов сўзларнинг қўлланилишидир.

Ғам мақоминдин манга бир кун гузар бўлғайму, **ox**?
Кўйи меҳнаттин даги азми сафар бўлғайму, **ox**?

Кўнглум асру мубталодур дарду ғам зулмотида,
Фурқтинг шоминда уммиди сахар бўлғайму, **ox**?

Ул оғиздинким, басе диққат дутар андин уқул,
Кўз закотидин манга ҳаққи назар бўлғайму, **ox**?

Эй латофат бўстониннинг сари сарви равон,

Нақли қаддингдин манга уммиди бар бўлғайму, **ox?**

Иштиёқинг дарди бирла жонга еткурдинг мени,
Бу жафову жаврдин кўнглунг дигар бўлғайму, **ox?**

Иҳтимоминг бирла, эй мулки малоҳат ичра хон,
Ғам черигина манга бир кун зафар бўлғайму, **ox?**

ТАРСЕЪ – байтдаги остинма-устун турган сўзлар ўзаро
оҳангдош қўлланилишига айтилади.

Лабинг бирла шаккар боре недайдур,
Сўзинг бирла дуар боре недайдур?

* * *

Яноқинг раззайи ризвондин ортуқ,
Дудоқинг чашмайи ҳайвондин ортуқ.

* * *

Ноз уйкусунда фитнайи бедор эмиш кўзунг,
Қон тўккучи на кофири хунхор эмиш кўзунг.

* * *

Оразингнинг онлида шамсу қамардин ким десун?
Лабларингнинг қошида шаҳду шакардин ким десун?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.107.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.596.

II. Адабий манбалар

3. «Девони Гадо» (دیو ان کا) Париждаги «Biblique Nationale» («Миллий кутубхона»)нинг «Departament des. Manuscrits Suppl turc» («Турк қўлёзмалари бўлими»)да 981-рақамли инвентарь остида сақланиб келинаётган қўлёзма.
4. Баёз. ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. 7695-инвентарь рақами билан сақланаётган нусха. (Фахрий Ҳиротий «Радойиф ул-ашъор» (Радифдош шеърлар) баёз).

III. Илмий адабиётлар

5. Абдураҳмонов А. Поэтика илми таълими. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012. -150 б.
6. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 216 б.
7. Ал - Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал – адаб ал – муфрад (Адаб дурданалари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 199 б.
8. Ал - Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). Тўрт томлик. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
9. Аристотель. Поэтика. (Поэзия санъати ҳақида). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 152 б.

- 10.**Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси. – Т.: 2005, - 48-б.
- 11.**Афсаҳзод А. Дар сафи бузургон. – Душанбе: Ирфон, 1986. – 336 б.
- 12.**Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик (I, II, III, IV томлар). Фозилов Э.И. таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1983.
- 13.**Аҳмадхўжаев Э. Гадоий (Ҳаёти ва ижодий мероси). – Т.: Фан, 1978.
- 14.**Баранов Х. К. Арабско – русский словарь (около 42000 слов). –Москва: Русский язык, 1985. – 942 с.
- 15.**Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 557 б.
- 16.**Бобокалонов С. Ҳожа Исмат Бухорий шеъриятининг жанрий таркиби, услуби ва бадиияти. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – 160 б.
- 17.**Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 426 б.
- 18.**Валихўжаев Б. Поэма о Салиме Джавхари и её месте в истории узбекской эпической поэзии второй половины XIX века // Материалы XXIV научной конференции. – Самарканд: СамГУ, 1969. – 164 с.
- 19.**Валихўжаев Б. XIX асрнинг 2-ярмидаги ўзбек поэмачилигига Алишер Навоийнинг традициялари // Адабиёт ва ҳаёт. – Самарқанд: 1969. – Б. 13-20.
- 20.**Валихўжаев Б. Ўзбек эпик шеърияти тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974. – 151 б.
- 21.**Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. Икки жилдлик, II жилд. – Т.: А.Қодирий номидаги ХМН, 2002. –175 б.
- 22.**Валихўжаев Б. Алишер Навоий туркий ва туркийгўйлик ҳақида// Ада-бий жанрлар ва бадиий маҳорат масалалари. Илмий мақолалар тўплами. - Са-марқанд: 1988.

- 23.** Восканян Г.А. Русско – Персидский словарь: около 30.000 слов. – Москва: Рус. язык, 1986. – 832 с.
- 24.** Воҳидов Р.Ж. XV асрнинг 2-ярми XVI аср бошларида ўзбектожик шеърияти. – Тошкент: Фан, – 1983. – 143 б.
- 25.** Воҳидов Р. Ёғди ўт устига қор. - Тошкент: Зарқалам, 2005. – 116 б.
- 26.** Воҳидов Р., Эшонқулов Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. - 528-б.
- 27.** Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. Тошкент: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015. – 304 б.
- 28.** Жўраев О. Маҳмуд Замахшарий. - Тошкент: Тафаккур, 2011. – 96 б.
- 29.** Ислам: Энциклопедический словарь. – Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. – 315 с.
- 30.** История узбекской литературы. В 2-х томах. Т.: Фан, 1987. – 486 с.
- 31.** Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси («Хазойинул маоний» асосида). – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.
- 32.** Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 174 б.
- 33.** Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 320 б.
- 34.** Каримов Ҳ. Адабиёт назариясининг илмий асослари. – Тошкент: Янги нашр, 2010. – 136.
- 35.** Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009. – 290 б.
- 36.** Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 658 б.
- 37.** Мамажонов З. Мумтоз шеърий санъатларнинг назарий таснифи. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 184 б.
- 38.** Маматқулов М. Қадимги туркий адабиёт жанрлари поэтикаси. АКД, – Т.: 2004.

- 39.**Мухторов К. 1001 Шоҳбайт. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. - 132 б.
- 40.**Мусульманкулов Р. Персидско таджикская классическая поэтика X-XV вв. Москва: «Наука», 1989. – 240 стр.
- 41.**Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 206 б.
- 42.**Муқимов Р. Тожик ва ўзбек сатираси тараққиётининг асосий босқичлари. (Қўлланма). – Самарқанд: СамДУ нашри, 1971 й. – 108 б.
- 43.**Орзибеков Р. Адабий меросимиз сехри. – Самарқанд: СамДУ, 2006. – 344 б.
- 44.** Орзибеков Р. Туюқ поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – 23 б.
- 45.** Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (миллий уйғониш даври). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2003. – 238 б.
- 46.** Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Фан, 2006. – 352 б.
- 47.** Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан, 1976. – 122 б.
- 48.**Персидско-русский словарь в 2-х томах с выше 60.000 слов. Под ред. Рубинчика. С приложением грамматического очерка персидского языка. Том I. от Ӣ до Ӯ. – Москва: Сов. Энциклопедия, 1970. – 784 ст.
- 49.**Персидско-русский словарь в 2-х томах с выше 60.000 слов. Под ред. Рубинчика. С приложением грамматического очерка персидского языка. Том II. от Ӯ до ӵ. – Москва: Сов. Энциклопедия, 1970. – 848 ст.
- 50.**Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. 2-е изд., доп. – Москва: Сов. Писатель, 1986. – 478 ст.
- 51.**Проблемы исторической поэтики литературы Востока. – Москва: Наука, 1988. – 311 ст.
- 52.**Равшанов П. Адабий саҳифалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 118 б.

- 53.** Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: Фан, 1995. – 160 б.
- 54.** Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – 72 б.
- 55.** Раҳмонов В. Мумтоз адабиёт манбалари луғати. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 432 б.
- 56.** Раҳмонов Ш. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он. – Душанбе: Дониш, 1987. – 172 с.
- 57.** Русско-узбекский словарь. В двух томах, том I, II. – Ташкент Главная редакция Узбекской Энциклопедии, 1984. – 808; – 799 ст.
- 58.** Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. - М.: 1963.
- 59.** Рустамов М. Гадоий девонининг луғати ва матни. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат музейи таҳрир бўлими. - Т.: 2007. – 204 б.
- 60.** Салаев Ф, Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 332 б.
- 61.** Салоҳий Д. Алишер Навоийнинг шеъриятида туркона услугуб анъаналари. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – 36 б.
- 62.** Салоҳий Д. «Бадоев ул-бидоя» малоҳати. – Тошкент: Фан, 2004. – 135 б.
- 63.** Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуги масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 206 б.
- 64.** Стеблева И.В. Ритм и смысл. – Москва: Наука, 1993. – 180 стр.
- 65.** Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
- 66.** Сураймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 416 б.
- 67.** Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоғи. Самарқанд: СамДУ, 2010. – 110 б.
- 68.** Тўраев Б. Абу Райхон Беруний. Тошкент: Тафаккур, 2011. – 96 б.

- 69.** Уватов У. Буюк юрт алломалари. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 424 б.
- 70.** Умурев X. Адабиёт назарияси. Дарслик.– Тошкент: Шарқ, 2002. – 256 б.
- 71.** Холиқурова Г. Ўзбек мумтоз шеърияти жанрлари. – Самарқанд: СамДУ, 2017. – 128 б.
- 72.** Фарҳанги забони тоҷики II жилд. – Москва: Советская Энциклопедия, 1969. 274-саҳ.
- 73.** Форобий Абу Наср. Шеър санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 186 б.
- 74.** Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – 224 б.
- 75.** Ҳаққул И. Шеърият - руҳий муносабат. – Тошкент: 1989. 240 б.
- 76.** Ҳожиаҳмедов А. Мактабда ўрганиладиган мумтоз шеъриятнинг вазн кўрсаткичлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 64 б.
- 77.** Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 165 б.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....3

Гадоий ижодининг манбалари ва ўрганилиши.....5

Ўзбек шеърияти такомил босқичи ва илк туркий девонларнинг жанр хусусиятлари.....17

Гадоий ижодида маънавий ва лафзий санъатларнинг ифодаланиши.....36

Мавлоно Гадоий лирикасида маънавий санъатлар.....38

Мавлоно Гадоий лирикасида лафзий санаътлар.....47

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....53